

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

# VATANDOSH

www.vatandosh.com | The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета 2011 йил, 1 август, 7-сон

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ ОБАМА ҲАЁТИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА



Ўзбекистонлик 21 яшар Улуғбек Қодировга 26 июль куни АҚШ Президенти Барак Обама ҳаётига қасд қилиш ҳамда ноқонуний қурол сақлаш каби етти жиноят бўйича айблов кўйилди. Улуғбек Қодиров 13 июлдан бери ҳибсда сақланмоқда.

2-бетда

## БИОМЕТРИК ПАСПОРТ БЕРИШ БОШЛАНДИ



1 августдан бошлаб Ўзбекистонда биометрик паспорт бериш бошланди. Хориждаги элчихона ва консулликларда ҳам паспорт учун ахборот йиғиш марказлари очилмоқда.

2-бетда

## МОҲИ РАМАЗОН МУБОРАК!

Рамазоннинг шаръий ҳукмлари ҳақида 6-бетда ўқинг.



## Элчи Жорж Крол: "ЎЗБЕК ТИЛИДА ТУРКМАНЧА АКЦЕНТ БИЛАН ГАПИРАМАН"

Мен ўзбек тилида гапирганимда сиз туркман акценти билан гапирасиз, дейишади. Бундан олдин туркман тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилгандим. Бу тиллар бир-биридан фарқ қилса-да, умумий бўлган жиҳатлари кўп. Айниқса, Марказий Осиё тарихи, маданияти мен учун жуда қизиқ. Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда буюк маданият намуналари кўзга яққол ташланади. Тошкент шаҳри ҳам икки минг йиллик тарихга эга. Вашингтон эса бу шаҳарлардан анча ёш. Тарихан шаклланиб келган анъаналар тадқиқи орқали бизнинг сизлардан ўрганажак бир қанча жиҳатларимиз мавжуд. Масалан, Америкада «маҳалла» деган тушунчани ҳар қанча изоҳласангиз-да тушунишмайди.

5-бетда

## СОЛИҚ ТЎЛАШ ШАРТМИ?



Айрим хорижликлар орасида солиқ декларациясини тўлдирмаслик ёки даромадини яшириш каби ҳолатлар учраб туради. Америкада солиқ тўламасдан яшаш мумкинми? Солиқ декларациясини тўлдириш даромадларимизга қандай таъсир қилади?

Бу саволларга солиқ мутахассиси жавоб беради.

7-бетда

## БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР



Бир ой муқаддам Самарқандни Панжакент қасабасидаги Наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажруҳ бўлди.

6-бетда

## 2011 ЙИЛНИНГ ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛЛАРИ

\$2,173,950

12-бетда

## АРЕСТОВАНЫ?

ЗВОНИТЕ 24 ЧАСА, 7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ 718-376-6466

LAW OFFICES OF BUKH & ASSOC., PLLC ATTORNEYS & COUNSELORS AT LAW

АРКАДИЙ БУХ New York, New Jersey & Nevada License


- РАЗВОДЫ И СЕМЕЙНОЕ ПРАВО
- ЗАЩИТА В ФЕДЕРАЛЬНОМ СУДЕ
- ИММИГРАЦИОННЫЕ УСЛУГИ
- БЕСПЛАТНЫЕ КОНСУЛЬТАЦИИ

T: 718-376-6466 F: (718) 376-3033  
1123 Ave Z Brooklyn, NY 11235  
www.bukhlaw.com

ОДИН ИЗ НЕМНОГИХ АДВОКАТОВ, ПРЕДСТАВЛЕННЫХ В ГАЗЕТАХ: NEW YORK TIMES, ASSOCIATED PRESS, DAILY NEWS И НА ТЕЛЕКАНАЛАХ: CBS, REUTERS



## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ ОБАМА ҲАЁТИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА



Ўзбекистонлик 21 яшар Улуғбек Қодировга 26 июль куни АҚШ Президенти Барак Обама ҳаётига қасд қилиш ҳамда ноқонуний қурол сақлаш каби етти жиноят бўйича айблов қўйилди. Улуғбек Қодиров 13 июлдан бери ҳибсда сақланмоқда.

Қодиров кўлга олинганга қадар Алабама штатининг Пелхам шаҳрида яшаган.

Қамоққа олиш тўғрисида эълон қилинган санкцияда ёзилишича, Улуғбек Қодиров бир неча бор Обамани ўлдиришга ҳаракат қилган. У 13 июль куни меҳмонхонада оддий фуқаро кийимидаги махфий хизмат ходимидан қурол сотиб олаётган пайтда ҳибсга олинган.

Улуғбек АҚШга 2009 йил талаба визаси билан келган. Алабамага кўчгунча, Нью-Йоркда ишлаган.

Ўз номининг ошкор қилинишини истамаган ўзбекистонлик бир йигитнинг “Ватандош”га айтишича, Улуғбек Қодиров Америкада ҳамма қатори оддий тирикчилик қилиб юрган йигит эди.

“У умуман сиекат ҳақида гап очмасди, - дейди у. - Жуда содда, ювош йигит эди. Ҳаммага ёрдам бериб юрарди. Уни алдашгани аниқ. Унинг қўлидан бунақа иш келишига ишонмайман”.

Агар қўйилган барча айбловлар исботланса, Улуғбек Қодиров бир неча ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

## АМЕРИКАДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ



«Russian Telecom, Inc» компанияси IPTV интернет телевидениеси орқали мижозларга 120 дан ортиқ телеканал хизматларини тақдим этади. Яқинда улар сафига Ўзбекистон телеканалли ҳам қўшилди.

Компания ходимининг “Ватандош”га айтишича, «Russian Telecom» барча МДХ давлатлари, жумладан, Рос-

сия, Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбойжон, Тожикистон ва Ўзбекистон телеканалларини IPTV орқали эфирга олиб чиқиш имкониятига эга.

Булардан ташқари, «Russian Telecom» хизматига уланган мижозлар видеотека, телеархив, кинозал каби шахсий хизматлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

«Russian Telecom» ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган. Компания хизматлари ҳақида кенгроқ маълумотни [www.russiantele.com](http://www.russiantele.com) сайтидан топишингиз мумкин.

## “ИСТАНБУЛ КАБОБ УЙИ” ЭГАСИ ЎЗБЕК РЕСТОРАНИ ОЧМОҚЧИ



Нью-Йоркнинг юрагида жойлашган Манхеттенда ўзбекистонлик Умид Раҳматовнинг ресторан очганига яқинда бир йил бўлади. “Istanbul Kebab House” ([www.istanbulkebabhouse.com](http://www.istanbulkebabhouse.com)) деб номланувчи ушбу ресторанда, асосан, турк таомлари тортиқ қилинади. Ресторан яқинда ўз овқатлари менюсига бир неча ўзбек миллий таомини ҳам қўшди.

“Ресторанимиз турк ошхонаси услубида бўлгани учун, асосан, турк таомларини пишираемиз. - деди ресторан эгаси Умид Раҳматов. - Яқиндан бошлаб ўзбекча салатлар, шўрва, окрошка қилишни ҳам бошладик”.

Ресторан Нью-Йоркнинг бизнес марказида жойлашган. Манхеттенда ўзбеклар томонидан очилган ягона ресторан. “Таомларимизни яхши қабул қилишяпти. Ишларимиз яхши”, - деди ресторан эгаси. Умид Раҳматов ўз бизнесини кенгайтириб, келажакда яна бир ресторан очиш ниятида.

“Istanbul Kebab House”да барча ўзбек таомларини пишириш учун жойимиз торлик қилади, - деди Умид Раҳматов. - Худо хоҳласа, Нью-Йоркда янги ўзбек ресторани очиш ниятимиз бор”.

## АРИЗОНАДА ЎЗБЕК ҚОВУНЛАРИ ПИШДИ



Ўзбекистонлик Раҳматилло Қобилов бошлиқ бир гуруҳ ўзбек деҳқонлари Аризона штатининг Феникс шаҳридан

45 мил узокликда ўзбек қовун-тарвузларини етиштирмоқда. Ҳозир қовун-тарвузлар фарқ пишган маҳал.

“Иккинчи йили Америкада деҳқончилик қилишим, - дейди деҳқон Раҳматилло ака биз билан суҳбатда. - Ўтган йили, асосан, сабзавотлар эдик. Бу йил синов учун ўзбек қовунларидан ва Америка тарвузларидан эдик”.

Беш акр жойга Раҳматилло ака бу йили ўзбек қовунларининг шакарпалак, оби новот, босволди каби турларидан эдик. Уларга қўшимча равишда Американинг маҳаллий тарвуз навларидан ҳам экилган.

“Ҳозир шакарпалакнинг уч турини сотувга чиқардик, - дейди деҳқон. - Мазаси тилни ёради”.

Раҳматилло аканинг айтишича, АҚШ ҳавосининг қуруқлиги ва иссиқлиги, шунингдек, сувнинг мўллиги ўзбек поллиз навларига жуда ёққан.

## БИОМЕТРИК ПАСПОРТ БЕРИШ БОШЛАНДИ



1 августдан бошлаб биометрик паспорт бериш Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Яққасарой ва Шайхонтохур туманларида бошланди. “Uznews.net” сайтининг хабар беришича, ҳозир бу туманларда фуқаролардан янги паспорт учун керак бўладиган бармоқ излари, суратлар ва бошқа маълумотлар тўпланмоқда. Бу маълумотлар электрон “чип” орқали паспортга киритилади.

Паспортлар Мирзо Улуғбек туманида тайёрланиб, Тошкент шаҳрининг синов учун танланган қолган уч туманига тарқатилади. Биометрик паспортларни босмадан чиқариш учун хориждан келтирилган ускуналар Мирзо Улуғбек туманига ўрнатилган.

Йил охиригача республика бўйлаб фуқаролардан маълумот йиғиш учун 215 та рўйхатдан ўтказиш марказлари ташкил этилади. Хориждаги элчихона ва консулликларда ҳам шундай марказларнинг 40 таси очилиши мўлжалланган.

Янги паспорт тизими сохта паспортлар ясалишининг олдини олиш, чегарани кесиб ўтиш пайтида фуқароларнинг шахсини аниқлаш жараёнини осонлаштириш ҳамда халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлиги талабларини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

## ТЕЗЮРАР ПОЕЗД ОЛИБ КЕЛИНДИ



Тошкентга Испаниядан биринчи тезюрар поезд олиб келинган. “Афросиёб” дея номланган ушбу янги поезд Тошкент-Самарқанд йўналишига қўйилади. Бу ҳақда “Ўзбекистон темирйўллари” матбуот хизмати хабар берди.

Лойиҳа “Ўзбекистон темирйўллари” ҳамда Ўзбекистон қайта қуриш ва тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Иккинчи Талго-250 поездини олиб келиш сентябр ойига режалаштирилган.

Испан поезди икки локомотив, саккиз йўловчи вағони иборат. Соатига 250 км. гача тезлик олади. Янги йўналиш Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ишга тушиши кутилмоқда. Янги поезд Тошкент-Самарқанд ўртасидаги 344 километрлик масофани икки соат ичида босиб ўтади.

## ЎЗБЕКИСТОН УЧИНЧИ БОСҚИЧДА



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йил Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионати учун саралаш ўйинларининг учинчи босқичига чиқди. 28 июль куни Бишкекда ўтган навбатдаги учрашувда ўзбекистонликлар Қирғизистон миллий терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тошкентда ўтган биринчи ўйинда ҳам ватандошларимиз 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Умумий ҳисобда Ўзбекистон 2-босқични 7:0 ҳисоби билан яқунлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдан жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг 3-босқичига чиққан ягона мамлакат. Шу вақтгача Ўзбекистон миллий терма жамоасига жаҳон чемпионатида иштирок этиш насиб қилмаган.

Эслатиб ўтамиз, яқинда 17 ёшгача бўлганлар ўртасида Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, кучли саккизталикдан ўрин эгаллаган эди.

Vol.7. Monday,  
August 1, 2011

Publisher:  
**Farhod Sulon**

Executive Editor:  
**Davronbek Tojialiyev**

Deputy Editor:  
**Alisher Aymatli**

Deputy Editor:  
**Toshpulat Rahmatullaev**

News Editor:  
**Behzod Mamadiyev**

Managing Editors:  
**Tamara Nazarova**  
**Ulugbek Qosimov**  
**Fakhmiddin Fazilov**

Advertising Manager:  
**Sodiq Fayzulla**

Web Developers:  
**Shukhrat Pardaev**  
**Shohruh Kenjaev**

Editorial and Executive  
office:

2705 Coney Island Ave.  
Brooklyn, NY, 11235

Phone: 646.397.0325

Web: [www.vatandosh.com](http://www.vatandosh.com)

Email: [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com)

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh Inc and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in *Vatandosh*.

Price: 50 cents  
Circulation: 5000

**Азиз ватандошлар!  
“Ватандош” газетаси  
билан ҳамкорликда  
ишлайман, ўз  
маҳсулот ва  
хизматларимни  
ушбу нашрда  
тарғиб қиламан,  
бу янги нашрнинг  
оёққа туриб  
олишига ҳомийлик  
кўрсатаман,  
деганларга ҳеч  
қандай монелигимиз  
йўқ, эшигимиз  
Сиз азизлар учун  
ҳамиша очик!**

## КЕЙН МАСЖИД ҚУРИЛИШИГА ҚАРШИ



Питца ресторани тармоғининг собиқ раҳбари, ҳозирда республикачилар партиясидан президентликка номзодини кўрсатган Герман Кейн маҳаллий ҳукумат органлари жойларда масжидлар қурилишини

тақиқлаш ҳуқуқига эга, деб ҳисобламоқда.

“FoxNews” телеканалига берган интервьюсида Кейн ўзининг бу қарашини диний бағрикенгликка зид эмаслигини таъкидлади. Унинг айтишича, мусулмонлар Америкада шариат ўрнатмоқчи ва уларни бу йўлдан тўхтатиш керак.

Кейн бу фикрларини Теннеси штатида масжид қурилишига қарши маҳаллий норозилик намойишлари ўтказилаётган бир пайтда айтди. Сайлов олдида Кейн Америка халқининг мусулмонларни ёқтирмайдиган қисмини ўзига оғдирмоқчи.


## МОРМОНЛАР КЎП ХОТИНЛИЛИК ТАРАФДОРИ

Юта штатида истиқомат қилувчи Кодди Брауннинг тўрт хотини ва 16 фарзанди бор. У Насоро динининг мормонлик эътиқодига кўра кўп хотинлиликка амал қилувчи минглаб америкаликларнинг бири.

Юта штатида бирдан ортқ хотинга бир пайтда уйланиш жиноят. Браун жиноий жавобгарликка тортилишдан қўриқиб, оиласи билан яқинда Невада штатида кўчиб келди. У бу ерда ўзига адвокат ёллаб, диний эътиқодлари рухсат берган ҳолатда америкаликлар кўп хотинли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган кампания бошлади.

“Юта ва бошқа штатларда минглаб кўп хотинли оилалар бор. Биз улардан биримиз, - деди Браун. - Биз фақат ўз эътиқодимизга кўра яшашни хоҳлаймиз холос”.

## ОБАМАНИНГ ОЙЛИГИ ҚАНЧА?



Июль ойида эълон қилинган ҳисоботга кўра, 2011 йилда Оқ Уйда ишловчи ходимлар маоши учун жами 37.1 млн. доллар сарфланган. Ушбу ҳужжатда ҳар бир Оқ Уй ходимининг исми-шарифи, лавозими ва оладиган маоши миқдори

аниқ кўрсатилган.

Бу йилги ҳисоботда Оқ Уй ходимлари сонининг 469 тадан 454 тага камайгани кўрсатилган. Маошлар учун сарфланган йиллик харажат ҳам 1.7 млн. долларга озайган.

Энг юқори маош олувчилар сони 21 та бўлиб, уларнинг ҳар бири йилига 172 200 доллар маош олган. Энг кам йиллик иш ҳақи эса 41, 000 доллар экани белгиланган. Уч маслаҳатчи маошсиз хизмат кўрсатган.

АҚШ Президенти Барак Обаманинг йиллик маоши 400 000 доллар.

## АДВОКАТ ВЛАДИСЛАВ СИРОТА

*Член Американской Коллегии  
Иммиграционных Адвокатов*

**-ПОЛИТУБЕЖИЩЕ**

**(тщательная профессиональная подготовка)**

**-ДЕПОРТАЦИОННЫЕ СЛУШАНИЯ**

**-ПОМОЩЬ АРЕСТ. НА ГРАНИЦЕ И В АЭРОПОРТАХ США**

**-СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИНТЕРВЬЮ**

**-ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В АМЕРИКАНСКИХ**

**КОНСУЛЬСТВАХ ЗА ГРАНИЦЕЙ**

**-ЗАПОЛНЕНИЕ НА ГРИН-КАРТ И ГРАЖДАНСТВО**

**-РАЗВОДЫ**

**-ДЕЛОВЫЕ КОНТРАКТЫ**

**-ВИЗЫ В-2/Н1В/Ф-1/К-1**

**(718) 265-59-00**

**128 Brighton 11<sup>th</sup> Street, 2<sup>nd</sup> Fl. Brooklyn, NY 11235**



**Ҳурматли  
ватандошлар !**

*Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.*

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

**Зокир Алиев.**

**МВА.ЕА - 703 459 82 34**

**E-mail: zakiraliyev@yahoo.com**

АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

**Фазилят Мамурова**

**МРА -703 786 72 01**

**E-mail: fazilat84@yahoo.com**

Молиявий хизматлар

# ТУРКИСТОН ва II ЖАҲОН УРУШИ – ТАРИХНИНГ ОҚ ДОҒЛАРИ

(Давоми. Боши аввалги сонда.)

Туркистон Комиссияси лагерларда туркистонлик собиқ совет аскарларининг рўйхатини тузишга, улар алоҳида лагерларга жойлаштирилади. Асирлар легионга киришдан олдин олмон зобитлари томонидан “сиёсий яроқлилиги” - яъни, рус-коммунистларга боғлиқлиги, ҳарбий таълими ва соғлиги текширилиб, турли категорияларга бўлинади. Легионга яроқлилари яхшироқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланади. “Сиёсий яроқсизлари” - яъни, собиқ коммунислар ва Компартия аъзолари лагерларга қайтарилари ёки ишчи батальонига юборилари. Архив манбаларини текшириш жараёнида бизга шуниси маълум бўлдики, олмонлар томонидан собиқ қизил аскарларнинг легионга “ўз хоҳишлари” билан киришига жуда эътибор берилган экан. Улар манбаларда “кўнгиллилар” деб аталган ва легионга киришни истамаган асирлар ишчи батальонларга, қишлоқ хўжалигига, завод-фабрикаларга ишга жўнатилган экан.

Легионнинг энг кўзга кўринган батальони 450-Инфантерие-батальон бўлиб, унга Майор Андреас Майер-Мадер бошчилик қилади. Бу батальоннинг ўзига хослиги шунда эдики, Майер-Мадер турк лаҳжаларини жуда мукамал билган командир бўлиб, туркистонлик аскарларнинг хусусиятларини ҳам яхши тушунар эди. Ҳаттоки, Майер-Мадер Вермахтдан СС хизматига ўтганда ҳам унинг легионерлари у билан бирга ССга ўтиб кетишган.

Туркистон Легионининг сони ҳақида ҳам ноаниқ маълумотлар мавжуд ва бунинг аниқ сони айтишни ҳам иложи йўқ. Чунки легион яхлит бир армия сифатида жабҳаларга ташланмаган. Улар турли дивизиялар қошида ташкил қилиниб, аввал Шарқий (Норвегиядан то Кавказгача), 1943 йилдан Ғарбий фронт (Италия, Франция, Бельгия ва Нидерландия)га бўлиб ташланган. Доктор Ҳайит 1945 йилгача Легион сонини 267 000 киши – 181 000 жабҳаларда, 85 592 орқа фронтда ва шундан 65 000 нафари ҳалок бўлган, деб таъкидлайди. Олмон тарихчилари эса ҳаммаси бўлиб 181 000 туркистонлик легионер олмонлар тарафида курашган, деб ёзишган. Фикримизча, олмон тарихчилари берган сон ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки урушнинг бошларида бошқа миллат вакиллари, масалан, татар, озарий, армени, грузин ва бошқа Кавказ халқлари ҳам Туркистон Легионига киритилиб, Турк-Легионер, деб аталган.

## МИЛЛИЙ ТУРКИСТОН БИРЛИГИ ҚҰМИТАСИ

Легионни сиёсий идеологик бошқаруви 1942 йили Берлинда, БОШУ вазирлиги қошида тузилган “Миллий Туркистон Бирлиги

Қўмитаси”га юклатилган. Унинг президенти этиб Вали Қайюмхон тайинланган. Қўмилада 12 та бўлим бўлиб, уларда 4 та ўзбек, 4 та қозоқ, 3 та туркман, 2 та қирғиз ва 2 та тожик фаолият олиб борган. Қўмида олмонлар ва легионерлар орасида асосий воситачи ролини ўйнаган. Легионерлар ўз муаммолари билан асосан қўмитанинг ҳарбий бўлимига мурожаат қилишган. Қўмида легионерларнинг бўш вақтларини ва таътиллари Олмония шаҳарларида ўтказишга ёрдам берган. Қўмитанинг асосий фаолияти легионерларни газета-журналлар ва адабий публикациялар билан таъминлаш билан бир қаторда уларнинг миллий туйғуларини ўстиришда агитация юритиш бўлган. Бу ҳақда легионер Саид бундай ёзади: “Мен эндигина 17 га кирдим. Демак, совет замонасида туғилиб ўсдим. Ўн ёшимдан мактабга кириб ўқий бошладим. Лекин ҳеч қаерда Туркистон деган сўзни эшитмаган эдим... Мен олти йил мактабда олган таълим-тарбиямга қараганда, бир йил легионда бўлганим вақт ичинда кўп таълим-тарбия олдим. Бу соҳада “Миллий Туркистон” менинг ўқувчим бўлди. Ота-боболаримнинг севган юрти, узоқ вақтлар курашиб қон тўққан юрти-Туркистон эканлигини билиб олдим”. Бу эса Қўмида легионерларга қанчалик идеологик таъсир кўрсатганини кўрсатади. Дарҳақиқат, “Миллий Туркистон”, “Миллий адабиёт”, кейинчалик, “Янги Туркистон” ва “Турк бирлиги” публикациялари жабҳалардаги легионерларга жуда муҳим аҳамият касб этган. “Миллий Туркистон”нинг тиражи тобора кўпайиб урушнинг охиригача 80 мингдан ошиб кетганлиги бунга яққол мисолдир. Олмония федерал архивларида ҳамда Берлин Давлат кутубхонасида “Миллий Туркистон” ва “Миллий Адабиёт”нинг бир неча нусхалари сақланиб қолган. “Миллий Туркистон”ни варақлаб қарасангиз, унда илмий-тарихий мақолалар билан бир қаторда, легионнинг оддий аскарлари кечинмалари ҳам бериб борилган.

## ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КОНГРЕССИ

Диққатингизни 1944 йил 8-10 июн кунлари Венада бўлиб ўтган Туркистон Миллий конгрессига қаратмоқчимиз. Бу конгрессда 573 та туркистонлик легионерлар делегат бўлиб қатнашадилар. Ҳўш, урушнинг ким томонига ҳал бўлиши кўриниб турган бир пайтда бу конгрессни чақиришдан асосий мақсад нима эди?

Туркистон Миллий конгрессининг чақирилиши, аввало, Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитасининг Наци ҳукумати томонидан бутунлай тан олинганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитасини бутун дунёга танитиш эди. Конгресс сўнигида “Туркистон Миллий Кенгаши” тузилиб, унга 70 киши

сайланади. “Биз, Олмониядаги туркистонликлар, деб ёзган эди Вали Қайюмхон Ҳайнрих Ҳиммлерга ёзган хатида, Туркистоннинг мустақиллигини эълон қилиб, тарихий чегарасини тиклашни мақсад қилганмиз. Биз сиздан Туркистон Легионини Туркистоннинг Миллий Армияси, деб тан олишни ва Миллий Қўмида аъзоларига расмий дипломатик статус беришингизни илтимос қиламиз”.

Туркистонлик легионерлар уруш тугагандан сўнг АҚШ ва Буюк Британия билан музокарага чиқишга ҳаракат қилишган, дейиш мумкин. Чунки, Сталин ҳар бир совет фуқароси, хоҳ асирда, қочқинда ёки легионларда бўлсин, Совет Иттифоқида қайтарилишини талаб қилган.

## ТУРКИСТОНЛИКЛАР ССДА

1944 йилда СС ҳам туркистонлик легионерларга қизиқиб қолди. СС олмонларнинг ўлим машинаси сифатида донғи кетган ташкилот бўлганлиги сабабли ҳам бу мавзунини яқинроқ ўрганишга қарор қилдик. Олмония архивларида 3000дан зиёд ССчи туркистонликлар ҳақида маълумотлар бор. Улар “СС-Янги Туркистон полки”да хизмат қилишган. Полк командири мусулмончиликини қабул қилиб, Харун ал-Рашид исмини олган олмон СС зобити бўлган. ССда ҳам туркистонликларни ғоявий бошқариш ташкилоти 1944 йил Дрезден шаҳрида ташкил этилган бўлиб, у Arbeitsgemeinschaft Turkestan (Туркистон ишчи жамоаси) деб номланган. Унда ҳам турли бўлимлар бўлиб, туркистонлик ССчилар ишлашган. Жамоа кўпроқ легионерларнинг диний таълимига эътибор берган. Уруш давомида Дрездендаги ССнинг “Имом-курслари”да 70 дан ортққ туркистонлик легионерлар ўқиб чиқишган ва жабҳаларга жўнатилган.

Легионерларнинг ерли аҳоли билан муносабати ёмон бўлмаган. Чунки урушнинг охири кўринавермагач, легионерларнинг кўпчилигига ерли аҳоли моддий ёрдам бериб турган ва рус ҳамда инглизлар қўлига тушишни истамаган легионер ерли аҳоли уйларига яширишига муваффақ бўлган. Масалан, асли жаззахлик Исоқжон Нарзиқул бир словак оиласида яшириниб депортациядан омон қолган. Татар легионер Ченгиз Дагчи поляк оиласида, яна бир тожик легионер австриялик оилада кўним топган, аммо кўпчилик легионерлар олмон қишлоқларидаги оилаларда яшириниб омон қолишган.

Уруш тугагач, легионерларнинг қарийб ҳаммаси Ялта келишувига биноан Совет Иттифоқида репатриация қилинган. Фақатгина 800 га яқин легионер Ғарбда қолишга муваффақ бўлган. Ваҳшиёна депортация давомида яна неча минглаб собиқ легионер қурбон бўлган. Шуларни ҳисобга олиб, 100 000 дан кўпроқ Туркистон Легиони аъзолари Совет Иттифоқида қайтарилган, десак ҳақиқатга яқин бўлади. Улар СМЕРШ (смерть шпионам – НКВДнинг шпионларга қарши бўлими) томонидан яна сараланиб 90 фоизи тўғридан тўғри Сибирдаги ГУЛАГларга қатағон



Туркистон легиони аскарлари, Франция, 1943 йил.

қилинган ва кўпчилиги у ердан қайтмаган. Собиқ легионерларнинг кўпчилиги бедарак кетганлар сафига киритилган.

## ХОТИМА

Умуман, Туркистон Легиони ҳақида ҳозирги вақтгача турли контроверс фикрлар мавжудлигини биз бошида таъкидлаб ўтган эдик. Совет тарихчилигида уларни коллаборацияда, сотқинликда айблаганлар. Шу ўринда айтиш жоизки, коллаборация фақат мағлуб томонда бўлади, ғолиблар эса қахрамонга айланишади. Аммо бунинг бир тарафлама илмий-сиёсий қараш эканлигини, биз келтириб ўтган тарихий шарт-шароитларга асосланиб англаш осон. Қолаверса, Туркистон Легионига ўхшаш тарихий феноменлар ҳақида тарихчилар “коллаборация” эмас, “кооперация” атамасини қўлласа тўғри бўлишини таъкидлашади. Коллаборация деганда – ерли аҳолининг ўз Ватанида агрессорлар билан ҳамтовоқ бўлиши назарда тутилади, кооперация тушунчасида эса агрессорлар билан ерли аҳоли ўртасида ва уларнинг Ватани ҳақида гап бориши шарт эмас. Бунга мисол қилиб ҳиндистонлик Сингхларни олиш мумкин. Иккинчи Жаҳон урушида 3000 дан зиёд Африкада Британия армиясидан асирга олинган ҳиндистонлик сингхлар Ғарбий фронтда олмонлар тарафидан тузилган “Азад Ҳинд” легионида хизмат қилишган ва АҚШ, Буюк Британия кучларига қарши курашишган. Улар Ватанларидан узоқда бўлишса, олмонлар тарафда туриб Ҳиндистонда Британия колониал сиёсати қарши курашишни афзал билишган. Ҳўш, туркистонлик легиончилар-чи, уларда Ватани қаерда бўлган?

Туркистон легионерлари ҳам ўз Ватанларида душман билан

ҳамтовоқ бўлмаган дейиш мумкин. Чунки кўпчилик Урта Осиёлик қизил аскарлар урушни руслар билан олмонлар орасидаги уруш деб билишган ва кези келганда аскарликдан қочишган, курашдан бош тортишган ҳамда Легионга қўшилишган. Бунинг сабабларини биз юқорида айтиб ўтдик. Сталин рус бўлмаган совет миллатларида советча Ватан туйғуси ҳали шаклланиб улгурмаганлигини яхши англаб этган. Шунинг учун ҳам урушга – Улуғ Ватан уруши, дея ном беради ва бутун миллат ва элат-

ларни жалб қилади. Бу эса ўз самарасини берган, албатта, бу урушда “Родина-Мать зовёт” ёки “за Сталину”, деб жангга кирган миллатдошларимиз ҳақида ҳам эшитганмиз.

Бироқ тарихчиларда битта қонун бор: У ҳам бўлса, улар тарихий воқеаларни ёритиб беришлари жараёнида ҳеч қачон ўз субъектив ҳукмларини чиқаришлари мумкин эмас. Чунки тарихчиларнинг вазифаси “ўтмишни, тарихни, воқеа-ҳодисаларни қандай бўлган бўлса, шундай ёритишдир”. Аммо бунинг учун шарт-шароит яратилган бўлиши ва очиқ имконият берилиши керак, албатта. Бугун менга ҳам шундай имконият берилган экан, каминга ҳам Туркистон Легиони ва унинг аскарлари ҳақида ҳолисона ёзишга ҳаракат қилдим. Зеро, мен келтирган фактларнинг негизда уруш ётибди ва урушни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Легионнинг моҳияти ҳам бу – уруш: Туркистонда рус босқини ҳамда СССРга Вермахт босқини шулар жумласидандир. Ҳолбуки, урушсиз легион ҳам, унга чиқарилган “ҳукм” ҳам бўлмасди.

Уруш бу кўпинча бир тоифа инсоннинг бошқа тоифадаги инсонларга нисбатан хусуматидан келиб чиқади. Урушда эса кичик миллатлар ҳамини катталарининг сиёсий қуроли сифатида қўлланилганлиги тарихдан бизга маълум. Туркистон халқи ҳам бундан мустасно эмас эди. Туркистон халқи икки буюк державанинг орасида бўлган сиёсий ўйинчоқ бўлиб, иккиси ҳам уни ўйнаб бўлишга, ташлаб юборишган.

**Ифтихор ШОМУРОДОВ,**  
Берлин, Хумбольдт университети Шарқий Европа тарихи факультети аспиранти

# Жорж Крол: “ЎЗБЕК ТИЛИДА ТУРКМАНЧА АКЦЕНТ БИЛАН ГАПИРАМАН”.



си бўлиб хизмат қилди. У Варшава, Нью-Дели, Санкт-Петербург, Москва, Киев ва Минск шаҳарларидаги АҚШ элчихоналарида хизмат қилди ҳамда Давлат департаментининг Россия масалалари бўйича бошқармаси директори, Янги мустақил давлатлар бўйича хос элчининг махсус ёрдамчиси сингари вазифаларда ишлади. У, шунингдек,

АҚШнинг Ўзбекистондаги факулдда ва мухтор элчиси Жорж А.Крол Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида 2011 йилнинг 10 июнь кунини қасамёд қилгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Жорж А.Крол Олий дипломатия хизматининг профессионал аъзоси ва элчихона маслаҳатчиси мартабасига эга, яқин-яқингача Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бюросида Давлат котиби ёрдамчисига ўринбосар бўлиб хизмат қилган эди. У 1982 йили дипломатия хизматида ишга ўтди ва 2003-2006 йилларда АҚШнинг Беларусдаги элчи-

Миллий ҳарбий коллежда дарс берди ва Давлат департаментининг “Битирув семинари” аъзосидир. Элчи Крол бир неча марта Давлат департаментининг “Хизмат кўрсатган ва юксак шараф” мукофотларига сазовор бўлган. У Гарвард университети ва Оксфорд университети (Англия) битирган.

Тошкентдаги АҚШ элчихонасида янги элчи журналистлар билан учрашиб, соф ўзбек тилида суҳбатни очиб, уларнинг саволларига жавоб берди.

— **Муҳтарам элчи жаноблари, Ўзбекистонга келишдан аввал собиқ элчи Ричард Норланд билан бу**

**ердаги вазият, иш фаолияти ҳақида гаплашдингизми?**

— Ҳа, албатта. Нафақат бу ерга келишдан олдин, Ричард Норланд Тошкентда, мен Вашингтонда ишлаб юрган кезларимда ҳам доимий телефонда мулоқот қилиб турардик. Унинг айтишича, бу ерда ишлаш доимо қизиқ. Мен аввал ҳам Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бюросида Давлат котиби ёрдамчисига ўринбосар сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрганман. Элчи сифатида келганимга уч ҳафта бўлган бўлса-да, бу ердаги одамлар билан, расмий кишилар билан мулоқот қилдим. Менга уларнинг самимийлиги жуда ёқди. Албатта бу ерда яшаш ва ишлаш мен учун катта обрўдир.

— **АҚШ мустақиллиги кунига бағишланган тантаналарда Сизнинг ўзбек тилида нутқ қилганингиз кўпчиликлан манзур бўлди. Муҳтарам элчи жаноблари, сизнинг қизиқишларингиз ҳақида билмоқчи эдик.**

— Энг катта қизиқишим — ўз ишим. Менинг ишим — менинг ҳаётим. Тарих йўналиши бўйича ҳам таҳсил олганман. Нафақат Америка, ўзим ишлаган давлатлар тарихи, маданияти ва тилига қизиқаман, ўрганишга ҳаракат қиламан.

Белоруссияда элчи бўлиб ишлаганимда мен ҳар доим белорус тилида нутқ сўзлардим. Шунинг учун ҳам рус тилида белорусча акцент билан гапирман. Шунингдек, мен ўзбек

## Суҳбат

тилида гапирганимда сиз туркман акценти билан гапирарсиз, дейишади. Бундан олдин туркман тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилгандим. Бу тиллар бир-биридан фарқ қилса-да, умумий бўлган жиҳатлари кўп. Айниқса, Марказий Осиё тарихи, маданияти мен учун жуда қизиқ. Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда буюк маданият намуналари кўзга яққол ташланади. Тошкент шаҳри ҳам икки минг йиллик тарихга эга. Вашингтон эса бу шаҳарлардан анча ёш. Тарихан шаклланиб келган анъаналар тадқиқи орқали бизнинг сизлардан ўрганажак бир қанча жиҳатларимиз мавжуд. Масалан, Америкада «маҳалла» деган тушунчани ҳар қанча изоҳласангиз-да тушунишмайди.

— **Ўзбекистон билан АҚШнинг иқтисодий муносабатларини қандай баҳолайсиз? Қайси соҳалар бўйича алоқалар янада мустаҳкамланади, деб ўйлайсиз?**

— Фикримча, Ўзбекистон ва АҚШнинг савдо-иқтисодий

муносабатлари анча паст. Лекин Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциални ижобий баҳолайман. Менинг вазифам Америка компанияларига Ўзбекистонда фаолият юритиш имкониятлари ҳақида маълумотларни етказиш ва икки томонлама ҳамкорликка кўмаклашишдир.

— **Сўнги уч ой мобайнида АҚШ ҳукумат ва жамоат вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи кўп кузатилди. АҚШнинг Ўзбекистонда янги ҳарбий база очиш нияти борми?**

— Бундай режа йўқ.

— **АҚШ элчисининг тарихий обидаларни асраш жамғармаси фаолияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Фаолият бошлаганимга уч ҳафта бўлди. Ҳали бу жамғармага келиб тушган аризаларни тўлиқ ўрганиб чиққанам йўқ. Тарихий, маданий обидаларни асраш, реконструкция қилиш бўйича энг яхши таклифларни амалга оширишда кўмаклашиш ниятим бор.

Элчи жаноблари ўз сўзларини соф ўзбек тилида қуйидаги лафзлар билан якунлади:

— Сизларга чин қалбимдан катта раҳмат. Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Сизларга катта омад тилайман!

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.**

«Ватандош» газетасида «Ўзбек матбуоти» номли янги рукн очишга қарор қилдик. Ушбу мавзуда ХХ аср бошидаги Ўзбекистон матбуотининг қалдирғочи бўлган нашрларда чоп этилган мақолалар парчалар бериб борамиз. Қуйидаги мақола «Ойна» журналида 1915 йилда чоп этилган. Унда кўтарилган кўп масалалар замонавий дунё учун эскирган бўлса ҳам, умумий мавзу — исрофгарчилик ва қимматли вақтни беҳуда сарфлаш муаммоси бугунги кунимиз учун ҳам ҳануз долзарбдир.

**Таҳририят**

## БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

азо деган, йўқ бўлушимизга сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой Наврўзи кофири учун сайр этармиз. Бир ой муқаддам Самарқандни Панжакент

ва улоқ чопмоқлик одати маълунонсиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратга кўчар, на қадар киши мажруҳ ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпкари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан қолур. Уйиға йўқ, хўккузи ва соғар сийири йўқ экан, бир неча юз сўмға от олиб ва ҳар кун анга ҳиндек парастиш этиб, ҳар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрға кўпкари чопмоқ учун. Ўн-йигирма чақиримға тўй бўлдими, ҳар ким ишини, деҳқончилигини қўюб, отланиб кўпкарига кетар. Деҳқон учун ол-тундан азиз вақт фавт бўлди-кетди. Эски биргина кун сўнгра йиғилган учун ёгинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб ке-

қўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, Пайғамбари акрам, саллоллоҳи алайҳи васал-

### Ўзбек матбуоти

лам, ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва Расулни сўзиға ва ўзимизни наъфимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими (Таклиф-бу ерда, инсоний бурч, вазифа маъносида), Худо учун сўйлангиз. Биз нима?

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ, “Ойна” журнали, 1915-йил 13-сондан олинди.**

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму мараз-ними гумон этарсиз? Ёинки, сил, силария (ўпка сили) ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош (жон азоби), бевоё, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи, ёинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилган ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалатурғон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман.

Атомиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Куръони Каримда “Ло талаққу би ядикум ала таҳликатихи”, яъни ўз



Тўрт йигит “Қизил Ўзбекистон” газетасини ўқияпти, 1930-йиллар. Макс Пенсон сурати

қўлларингиз ила ўзингизни таҳликаға отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амриға бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва

қасабасидаги Наврўз сайриға тар. Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб

Мусулмон олами учун сеvimли бўлган Рамазон ойи оstonасида турибмиз. Аллоҳ таоло ҳар бир соғлом ва вояга етган мусулмонга Рамазон ойида тўлиқ рўза тутушни буюрган. Рўза тутушида инсон соғлиги учун кўп фойдалар борлиги олимлар томонидан исботланган.

Масалан, америкалик олим Пол Брег эллик йиллик илмий таржибаси маҳсули ўлароқ «Мўжизакор очлик» номли китоб ёзган. Дунёнинг кўп тилларида таржима қилинган бу китобда рўза инсон соғлиги учун энг фойдали омил экани айтилади. Бу эса Имом Табароний «Ал-Авсат» китобида Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламдан ривоят қилган, «Рўза тутинлар, саломат бўласизлар», деган ҳадиси шарифнинг илмий тасдиғидир.

Энг ажабланарлиси, рўза билан даволовчилар киши соғ-саломат юриши учун йилига 28-32 кун ихтиёрй оч қолиши керак, деган хулосага келганлар. Аллоҳ таоло эса бу муддатнинг ўртачаси - 30 кунлик Рамазонни биз мусулмонларга бундан 15 аср илгари фарз ибодати қилиб қўйган. Буюк ватандошимиз шайхур-раис Ибн Сино ҳам кишиларни очлик йўли билан даволаган.

Ҳозирги кунимизда Сурия бош муфтўйси Шайх Аҳмад Қуфтару Ислоом оламида рўза билан даволаш бобида анча шухрат қозонганлар. Машиҳур спортчи, асримиз бокс тарихи афсонасига айланган афсонавий Мухаммад Али ҳам тўзалмайдиган дардига у кишининг ҳузурларида шифо топган эди. Бунгача Мухаммад Али ўзини даволатиш учун 30 миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган эди. Аллоҳ унга йиғирма кунлик очликдан сўнг шифо беради.

Очлик билан саратон-рак касалидан шифо топган одамлар ҳақида ҳам хабарлар бор. Ана шундай фойдали амални биз мусулмонларга савоб, маънавий ибодат қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтиш керак.

Мусулмон ушбу ибодатни қандай амалга ошириши керак? Шу саволга жавоб бериш учун кўйида Рамазон ойи рўзасини тутуш йўл-йўриқлари ҳақида умумий маълумот берамиз.

#### РАҲМАТ ВА МАҒФИРАТ ОЙИ

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Пайгамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар кишланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ, маҳрум бўлибди», - дедилар». (Насайи ва Байҳақий ривоят қилишган.)

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Пайгамбар соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таоло Одам бола-сининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофоти Мен - Узим берурман, деди. Рўза сақловчидир. Қачон қайси бирингиз рўзадор бўлса, фаҳшдан гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, мен рўзадорман, десин. Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зот ила қасамки, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандлик бордир. У иккисини ҳам яшагай. Қачон ифтор қилса, хурсанд бўлмай ва қачон Роббисига мулоқот бўлганда, рўзаси ила хурсанд бўлмай». (Бухорий, Муслим, Насайи ва Аҳмад ривоят қилишган.)

#### РЎЗА АРКОНЛАРИ

Рўзанинг саҳиҳ бўлиш шартининг икки рукнига боғлиқ. Улар: ният - қалбда Аллоҳга бўйсунуш ва Унга яқинлашиш мақсади билан рўза тутушга азму қарор қилиш, субҳ-тонг киргандан то кўёш ботгунча еб-ичиш ва жинсий алоқадан тийилиш.

#### РЎЗА МУСТАҲАБЛАРИ

1. Саҳарлик қилиш. Ундан мурод саҳар пайти туриб, кундузи рўза тутуш ниятида еб-ичишдир. Ибн Мунзир саҳарлик қилиш суннат эканига олимлар иттифоқ

қилишганини айтганлар. Пайгамбар алайҳиссаломнинг саҳарлик қилмасдан рўза тутганликлари унинг вожиблигини билдирмайди. Саҳарлик қилиш билан мўминлар аҳли

4. Ифтор маҳали дуо қилиш. Пайгамбар алайҳиссалом оғиз очганда қўйидагича дуо қилар эдилар: «Чанқоқ қонди, томирлар хўлланди ва ажр собит бўлди, иншааллоҳ» (Имом Бу-

## РАМАЗОН ОЙИ КЕЛДИ: УНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШ КЕРАК?

китоблардан фарқланиб турдилар. Саҳарликнинг энг ками бирон нарса еб олишдир. Бир қултум сув ичиб олинса ҳам, саҳарлик қилган ҳисобланади. «Саҳарлик қилингиз, саҳарликда баракка бордир», деганлар Набий алайҳиссалом (муттафақун алайҳ).

2. Саҳарликни тонгга яқин қилиш. Зайд ибн Собит айтдилар: «Расулulloх билан бирга саҳарлик қилдик. Сўнг у зот намозга турдилар. Мен: «Саҳарлик билан азон орасида қанча вақт бор?» деб сўрадим. «Эллик оят миқдорича», дедилар (Муслим ривояти).

Саҳарлик қанчалик тонгга яқин қилинса, шунчалик афзал бўлади. Фақат тонг кириб қолгунга қадар кечиктирмаслик керак. Кечроқ саҳарлик қилган киши кўпроқ ажр олади, кундузи ҳам тўқроқ юради. Еб-ичиб ўтирган киши тонг кириб қолганини сезса, еб-ичишни тўхтатади ва рўзасини тутаверади. Вақт жуда кам қолганини билатуриб, ўзини гафлатга солиб, еб-ичиб ўтириш узр бўлмай қолиши мумкин. Шунингдек, эҳтиёт юзасидан деб субҳи содиқдан анча илгари, масалан, бир соат олдин оғиз ёпиб олиш ҳам суннатга ҳилофдир.

3. Ифторни эртароқ қилиш. Кўёш ботгани аниқ бўлганидан кейин дарҳол оғиз очиш лозим. Ширин ва хўл нарса ила оғизни очиш афзал. Пайгамбар алайҳиссалом бу ҳақда шундай деганлар: «Одамлар ифторни эртароқ қилар эканлар, мудом яхшилик устида бўладилар» (муттафақун алайҳ). Анас (р.а.) айтдилар: «Пайгамбар алайҳиссалом сув билан бўлса ҳам, оғиз очмагунларича шом намозини ўқимас эдилар» (Термизий ривояти).

хорий ривояти).

Ибн Умар розияллоху анху эса шундай дердилар: «Эй Аллоҳим, мен Сендан

#### Ҳидоят гулшани

ҳамма нарсадан кенг бўлган раҳматинг билан сурайманки, гуноҳларимни кечир» (Ибн Можа ривояти).

5. Рўзадорларга ифтор қилиб бермоқ.

6. Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғуслни кечга қўймай тонг отишдан олдин қилиб олмоқ.

7. Ортиқча гап-сўз ва амаллардан тил ва жисмларни тиймоқ.

8. Рўзани бузмайдиган, аммо ҳузурбахш бўлган нарсаларни тарк қилмоқ.

9. Оила аъзолари ва қариндошларга кенглик қилиш. Бева-бечора ва камбағалларга хайр-эҳсонни кўпайтириш.

10. Қуръон кироати, илм суҳбатлари, зикр ва саловотларни кўпайтириш.

#### РЎЗАДОР УЧУН МАКРУҲ АМАЛЛАР

1. Узрсиз бирор нарсани татиб кўриш ва чайнаш. Чунки, бунга ўхшаш нарсалар рўзанинг бузилишига олиб бориши мумкин.

2. Оғизга таъм берадиган ҳеч қандай моддаси бўлмаган сақич чайнаш. Бу ишни қилган одамни оғзи очиқ деб ўйлайдилар.

3. Қучоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни кўзгайдиган ишлар.

4. Жинсий яқинлик қилишдан ўзларини тийиб қолишга ишончлари бўлмаса ҳам, (эр-хотиннинг) аъзоларини бир-бирларига теккизишлар

ри.

5. Қасд ила тупугини оғзида тўплаш ва уни ютиш.

6. Рўзадорни заифлашишга олиб борадиган ўткир наштардек нарса билан қон олдириш каби ишларни қилиш.

Рўзадор учун макруҳ бўлмаган ишлар

1. Мўйлабга хушбўй нарса суртиш.

2. Сурма қўйиш.

3. Ҳолсизланиш ёки қувватдан кетиб қолишдан амин бўлса, қон олдириш.

4. Эрталаб мисвок қилиш.

5. Оғиз ва бурунни чайиш.

6. Ғусл қилиш.

7. Салқинлаш учун хўл латтага ўраниш.

#### РЎЗАНИ БУЗМАЙДИГАН АМАЛЛАР

1. Рўза тутганини унутиб, таом ейиш, ичимлик ичиш, жинсий алоқа қилиш.

П а й ғ а м б а р и м и з соллаллоху алайҳи ва саллам «Рўзадор киши рўзаси эсдан чиқиб бирор нарса еб қўйса, егани Аллоҳ берган ризқидир, қазо қилмайди», деганлар.



11. Тиш олдириб, қон ёки дорини ютмаган бўлса рўзаси очилмайди.

12. Эракк кишининг жинсий олатидан сув, мой ёки дори киритилса рўзаси очилмайди. Қулоқдан сув кирса, қулоқни қовласа, қулоғини қавлаган чўпдаги кирни олиб, яна шу чўп билан қулоқ қавласа ҳам рўзаси очилмайди. Аммо бу каби ишларни қилмаган маъқул.

13. Балғам ёки бурун сувининг кириш ёки чиқиши билан, уни тортиб, ичга ютса ҳам рўзаси очилмайди.

14. Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда мажбур бўлиб қусса, шунингдек оғиз тўла келиб, кейин ичга қайтиб кетган қусуқ ҳам рўзани очмайди. Бармоғини томоғига тикиб оғиз тўлмайдиган ҳолда қусса ҳам рўза очилмайди.

15. Тишлари орасида қолган нўхатдан кичик нарсани ютса рўзаси очилмайди.

16. Оғизда қолган бирор нарсанинг таъминини тупуги билан ютиш рўзани очмайди.

17. Закарига ёғ суриш билан рўза очилмайди.

18. Оғизга седана, кунжут каби кичик нарсаларни солиб, таъми йўқолиб кетгунча ютмай чайнаса рўза очилмайди.

19. Мушакка, тери остига укол қилиш билан рўза очилмайди.

(«Нурул-изоҳ» ва «Кифоя» китобларидан)

#### МУҲЖДА

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Рўза ва Қуръон қиёмат кунини банданинг ушбу шафоат сўрайди. Рўза: «Раббим, мен уни таом ва майллардан тўсдим, энди уни шафоат қиламан қабул эт!» дейди. Қуръон: «Мен уни тунлари уйқудан тўсдим, энди уни шафоат қиламан қабул эт!» дейди. Шундан сўнг уларнинг шафоатлари қабул қилинади» (Аҳмад ривояти).

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло жаҳаннамни Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутган банданинг юздан етмиш йиллик масофага узоқ қилади», дедилар. (Имом Абу Довуддан бошқа барча ишончли муҳаддислар ривоят қилишган).

Ушбу ой ибодатларини тўқис бажариб, Яратганнинг раҳмати ва мағфиратига эришиш, У ваъда этган Райёнлар билан муҳаддислар муҳаддисларга насиб этсин!

АбдулАзиз тайёрлади.

# АМЕРИКАДА ҲОКИМИЯТ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

**Федерал ҳокимият**  
Илк 13 та колония бутунлай Британия монархияси остида эди. Америкаликлар марказлашган давлат тузиш билан ҳокимият яқка давлат хизматчиси ёки идоранинг қўлда йиғилиб қолишининг олдини олди. Ҳокимиятлар тенглигини таъминлаш учун Конституцияда федерал ҳокимиятнинг уч бўғини яратилган эди. Ушбу бўғинлардан ҳар бирининг алоҳида ўз ҳокимият хисобдорлиги мавжуд. Биз бундай тизимни "ўзаро назорат ва бир-бирини тийиб туриш" тизими деб атаймиз. Давлат ҳокимиятининг ҳар бир бўғини тенг ҳисобланади ва улардан бирор бўғин мутлақ кучга эга бўлиши мумкин эмас.

Федерал ҳокимият уч бўғиндан ташкил топади: Қонунчилик ҳокимияти — АҚШ Конгресси ва унинг органлари

Ижро ҳокимияти — президент, вице-президент ва федерал органлар

Суд ҳокимияти — АҚШ Олий Суди ва мамлакатдаги федерал судлар.

## АҚШ Конгресси

АҚШ фуқаролари эркин сайловлар йўли билан АҚШ Конгрессида ўз номларидан вакиллик қиладиган шахсларни сайлайди. Конгресс мажбурияти давлат учун қонунлар яратиш ҳисобланади. Конгресс Вакиллар Палатаси ва Сенатдан иборат.

## Вакиллар палатаси

Ҳар бир штатда аҳоли Вакиллар Палатаси аъзоларини сайлайди. 435 аъзодан иборат Вакиллар Палатаси одатда "Палата" деб ҳам номланади. Ҳар бир штатдан сайланадиган вакиллар сони штат аҳолиси сонига боғлиқ. Штатлар сайлов округларига бўлинган. Сайлов округидаги аҳоли Палатага ўз

округидан вакилларни сайлайди. Вакиллар икки йиллик муддатга сайланади. Шундан кейин аҳоли уларни яна қайта сайлаши мумкин ёки бошқа шахсларга ўз овозларини бериши мумкин. Вакиллар Конгрессга чекланмаган маротаба сайланиши мумкин.

Вакиллар Палатаси таркибига яна беш аъзо киради. Булар Колумбия федерал округи вакиллари ва АҚШ худуди: Пуерто-Рико, Гуам ороллари, Шарқий Самоа ва Виржин ороллари. Бу вакиллар Парламент мунозараларида иштирок этиши мумкин, аммо расмий Палата овоз беришларида қатнаша олмайди.

## Қонунчилар халққа хизмат қилади

АҚШда ҳар бир фуқаро ўз конгрессмени ва сенаторига кўнғироқ қилиши мумкин. Сиз 202-224-3121 номерига кўнғироқ қилиб штатингиздан бўлган ўз конгрессменингиз ёки сенаторингизнинг қотибиятига бўғланишини сўрашингиз мумкин. Шунингдек, уларга ёзма равишда савол ва талабларингизни юборишингиз, қонунчилик органи фаолияти ҳақида ўз муносабатингизни билдиришингиз ва агар федерал ёрдам олиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келсангиз, федерал ҳокимиятга ёрдам сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўз конгрессменингизга мактуб йўллаш учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

*The Honorable (Конгрессмен исми ва фамилияси)*  
U.S. House of Representatives



Washington, DC 20515

Ўз сенаторингизга куйидаги манзил буйича мурожаат қилишингиз мумкин:

*The Honorable (Сенатор исми ва фамилияси)*  
United States Senate  
Washington, DC 20510

Конгресс вебсайтида Палата ва Сенатнинг сўнги фаолияти тўғрисида билиш, шунингдек, ўз конгрессмен ва сенаторингиз ҳақида, уларнинг вебсайтлари ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

• Вакиллар Палатаси вебсайти: <http://www.house.gov/>.

• Сенат вебсайти: <http://www.senate.gov/>.

Вакиллар Палатаси қонунчилик билан шуғулланишдан ташқари баъзи бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Фақат Вакиллар Палатаси эга бўлган ҳуқуқлар:

- Солиқларга тегишли қонунларни тақдим қилиш;
- Давлатга қарши жиноят содир қилишда айбланаётган давлат хизматчиларини Сенатга суд қилиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бундай жараён импичмент деб

аталади.

## Фойдали маслаҳат:

Ўз штатингиздан бўлган конгрессменингиз ва сенаторингиз ҳақида кенграқ маълумотга эга бўлинг. Шунингдек, сизнинг манфаатларингизни Конгрессга етказиш билан боғлиқ фаолият ҳақида билиб олинг. Бундай маълумотларни маҳаллий матбуотдаги мақолалардан ва Конгресс вебсайтидан олиш мумкин. Ҳар бир сенатор ва конгрессменингиз ўз округида маҳаллий офиси мавжуд. Маҳаллий офисларнинг манзилларини "кўк саҳифалар" телефон қайдномаларидан топиш мумкин. Колумбия федерал округи, Вашингтон шаҳрига бориб, АҚШ Конгресси жойлашган Капитолийда текин экскурсия қилишингиз мумкин.

## Сенат

АҚШ Конгресси Сенати 100 та сенатордан иборат. Ҳар бир штат аҳолиси иккитадан сенатор сайлайди. Сенаторлар олти йил муддатга сайланади. Шундан кейин аҳоли уларни қайта сайлаши ёки бошқа шахсларни сайлаши мумкин. Сенаторлар Конгрессга чекланмаган маротаба сайланиши мумкин. Сенат қонунларни тайёрлашдан ташқари баъзи муҳим вазифаларни амалга оширади.

Фақат Сенат эга бўлган ҳуқуқлар:

• Президент ва ўзга давлат ёхуд ўзга давлатлар гуруҳи ўртасида тузилган битимни тасдиқлаши ёки рад этиш (бундай битимлар шартномалар дейилади);

• Юқори мансабга президент тақдим қилган шахсни тасдиқлаш ёки рад қилиш (масалан, Олий Суд судьяси ёки Таълим вазирлиги ёхуд Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги каби федерал бошқарув раҳбарлари—вазирлар);

• АҚШга қарши жиноят содир этган давлат хизматчилари устидан суд ўтказиш.

## Америка ҳуқуқи

### Президент

Президент ижро ҳокимияти раҳбари ҳисобланади ва мамлакатда қонунларга риоя ва ижро этилиши устидан жавобгар ҳисобланади. Президент бундан ташқари кўплаб вазифаларга эга. Масалан, миллий сиёсатни белгилаш, Конгрессга таклифлар киритиш ва юқори мансабдорларни ҳамда Олий Суд аъзоларини тайинлаш. Шунингдек, Президент АҚШ ҳарбий кучларига қўмондонлик қилади.

Аҳоли президент ва вице-президентни ҳар тўрт йилда сайлайди. Бир шахс икки маротаба тўрт йиллик муддатга президентликка сайланиши мумкин. Президент лавозимини амалга ошира олмаслик ва президент ўлими ҳолларида вице-президент лавозимини эгаллайди.

### Суд ҳокимияти – Олий Суд

Конституция мамлакатда энг юқори кучга эга бўлган суд АҚШ Олий Суди яратди. Олий Суд тўққизта судьядан иборат. Улар "суд аъзолари" деб номланади. Уларни президент тайинлайди ва улар ўз вазифаларини бажара олмай қолганларида умрбод мансабларида қолади. Олий Суд, агар Конституцияга зид бўлса, штат ва федерал қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Федерал судлар тизимига федерал округ судлари ва федерал округ апелляция судлари киради.

АҚШ Олий Суди ҳақида батафсил маълумот унинг вебсайтида мавжуд: <http://www.supremecourt.us/>.

Кейинги сонда: АҚШ фуқаролиги сари одимлар

Дилором АБДУЛЛАЕВА

**Ҳар йили АҚШда яшаётган ҳар бир инсон, фуқаро бўлиши ёки бўлмастидан қатъи назар, бир йиллик қилган даромади ҳақида солиқ декларациясини тўлдирди. Хориждан ташриф буюрганлар учун бу янгича тартиб тушунмовчиликларга ҳам сабаб бўлади. Шу боис айрим хорижликлар орасида солиқ декларациясини тўлдирмаслик ёки даромадини яшириш каби ҳолатлар ҳам учраб туради. Америкада солиқ тўламасдан яшаш мумкинми? Солиқ декларациясини тўлдириш даромадларимизга қандай таъсир қилади? Шу каби саволларга оидинлик киритиш мақсадида солиқ бўйича мутахассис Сергей Ясневичга мурожаат қилдик.**

Учинчидан, агар шахс кам даромадли (low income) бўлса, улардан пул ундирилмайди, балки солиқ декларациясини тўлдириш билан уларга пул туланади.

АҚШдаги солиқ ва ижтимоий таъминот тизими бошқа давлатлардаги тизимдан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бу ердаги тизимни ўз давлатларидагидек деб ўйлаб, солиқ декларациясини

маълумотга эга эмас. Мен уларга ҳам ёрдам бераман.

— Кўпинча, декларация тўлдирган шахслар уларга қайтадиган пулнинг камайганлиги ёки давлат улардан қандайдир миқдорда пул талаб қилаётгани ҳақида шикоят қилишади. Чундай ҳолатларда нима қилиш керак?

— Кўпинча солиқ органларининг бундай талаблари асосиз ҳисобланади. Аммо бу хатларга жавоб берилмаса, унда пул ундириш ҳақидаги талаб асосли ҳисобланади ва буни тўламаган шахс қанчадир миқдорда қарздор бўлиб қолади.

Бундай хатлардаги талабга ўз раддиян-

— Кўп ишларни ўзингиз ҳам ҳал қилишингиз мумкин. Аммо, на адвокат ва на ўзингиз қила оладиган ишлар ҳам бор. Адвокатлар бухгалтерия ва солиқ ҳисоботлари билан шуғулланмайди. Шунинг учун ҳам, уларнинг бу соҳадаги маслаҳати унча ҳам фойдали эмас.

Бизнес очганда солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш йўллари бор. Масалан, яшаш манзилингиз Нью-Йорк шаҳрида бўлса, ҳар йили автоматик равишда 400 доллар ёки ундан кўп миқдорда маблағ тўлашингиз керак. 10-20 минутлик йўл узоклигидаги Лонг Айлендга бориб, у ердан почта қутисини ижарага олсангиз, юқоридаги ортиқча маблағни сарфлашга ўрин қолмайди.

Шу каби жиҳатларини ҳисобга олиб иш бошлаган бирор катта фирмани кўрмадим. Албатта, бу катта сумма эмас, аммо фирманинг катталигига қараб, бу йилига 1 миллиондан 5 миллионгача фарқ қилиши мумкин. Мен ана шу мавзулар бўйича ҳам маслаҳатлар бераман.

— Иш топишга ҳам ёрдам берасизми?

— Иш топиш билан шахсан ўзим шуғулланмайман, аммо бир неча йиллардан бери бу соҳада хизмат кўрсатаётган танишим бор. Иш топиш борасида бирор кишига ёрдам керак бўлса, танишимга етказишим мумкин.

Солиқ, бизнес ва юқорида тилга олинган бошқа масалалар бўйича бепул маслаҳат олмоқчи бўлсангиз, 718-374-4815 телефон рақами орқали Сергейга боғланишингиз мумкин.

Манзили: 2705 Coney Island Ave. Brooklyn, NY 11235  
Вебсайт: [www.040.us](http://www.040.us)

## СОЛИҚ ТўЛАШ ШАРТМИ?

тўлдиришдан қочиш мутлақ нотўғри.

— АҚШга янги келганлар солиқ тўлаш билан боғлиқ қандай хатоларга йўл қўяди?

— Янги келганлар кўпинча билмаган нарсалари ҳақида маслаҳат олишга шошилмайдилар. Айтганча, мен текин маслаҳат беришим мумкин.

Яна бир хато, маълумотга эга бўлмаганлари боис уларнинг солиқ декларациясини тўлдиришга боғлиқ ижтимоий дастурлардан фойдалана билмасликлари.

— Сиз фақат қонуний муҳожирларга ёрдам кўрсатасизми?

— Йўқ, фақат уларга эмас. Солиқ соҳасининг сайёҳлар ва чет эллик талабалар, визасини чўздирганлар учун кўплаб муҳим ва фойдали жойлари бор. Кўп ҳолатларда бу туркумга кирувчи шахслар солиқ имкониятларидан фойдаланиш учун

— АҚШга янги келганлар орасида солиқ декларацияларини вақтида тўлдирмайдиганлар бор. Шу ишлари тўғрими?

— Албатта, бу нотўғри. Биринчидан, Америкада одамлар ва давлат ўртасидаги барча алоқалар солиқ ҳисобдорлиги орқали амалга ошади. Солиқ декларациясини тўлдиришда, аслида, биз учун кўп фойдалар бор. Масалан, солиқ декларациясини тўлдирмасдан туриб шаҳардаги имтиёзли квартирага навбатга ёзилиб бўлмайди.

Иккинчидан, пенсия ёшига яқинлашаётганлар етарли меҳнат стажига эга бўлмаса, пенсия олишдан маҳрум бўлади. Пенсия олиш учун кам бўлса ҳам қонуний стаж бўлиши керак.

Масалан, 65 ёшдан ошган бир нечта миждозларим бор. Улар ҳам пенсия олишни хоҳлайди, аммо солиқларни декларациялаштирмагани ва натижада стажга эга бўлмагани сабабли уларга пенсия тайинланмаган.

# Southern Law Group LLC

## Driven by Results!

Miami



New York



Orlando



### IMMIGRATION NATION

#### Immigration Law

- Получение политического убежища
- Легализация лиц без статуса и нелегально пересекших границу
- Воссоединение с родственниками
- Получение ПМЖ через брак с гражданином (-кой) США
- Помощь в прохождении интервью на изменение статуса
- Защита от депортаций, освобождение из иммиграционной тюрьмы
- Защита в иммиграционном суде, апелляция после отказа
- Помощь арестованным на границе
- Оформление частного приглашения для проживающих вне США
- Получение гражданства, транзитный паспорт, рабочие и бизнес-визы
- Оформление лотереи и документы для выигравших

### Real Estate Law

#### Изменение условий ипотеки

- Снижение долга банку и модификация займа
- Рефинансирование или короткая продажа
- Процедура отчуждения собственности или банкротства.
- Споры и выселение арендаторов
- Титульное страхование при покупке недвижимости
- Представление интересов и проверка контрактов

### Criminal Law

#### Крупные и мелкие преступления

- Нарушение испытательного срока
- Праздношатание, проституция
- Сопротивление при задержании
- Подделка, мошенничество
- Вождение в нетрезвом виде, угон машин
- Избиение при отягчающих обстоятельствах
- Нанесение побоев, разбой, похищение людей
- Сексуальное насилие, жестокое обращение с детьми
- Кражи и воровство, наркотики, убийство

### Personal Injury

#### Травмы в быту и на производстве

- Ошибки врачей и стоматологов
- Автомобильные аварии
- Падения, травмы, повлекшие ущерб здоровью
- Несчастные случаи, в т.ч. со смертельным исходом
- Судебные иски против страховых компаний

1801 South Ocean Drive  
Suite J, Hallandale, FL 33009  
Office: 954-457-1220  
Cell: 754-214-1001

1425 Kings Hwy, Suite 4  
Brooklyn, NY 11229  
Office: 347-492-7331  
Cell: 347-681-4461

5728 Major Blvd, Suite 265  
Orlando, FL 32819  
Office: 407-802-2881  
Cell: 407-501-1170

Fax: 954-456-7553. Skype: thelawclub, Web-www.thelawclub.com, www.greencardnadam.com





**FORTUNA**

4112 18 Av, Brooklyn, NY, 11218



**KASHKAR cafe**

ЛАГМАН • МАНТЫ • ШАШЛЫК • САМСА

**KASHKAR CAFE**

1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.  
Phone: 1 718-743-3832  
www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com



**Amity**  
HALAL MEAT & GROCERY

AQSH VA WASHINGTON SHTATNING  
A'LO SIFATLI GO'SHT VA OZIQ-OVQAT  
MAHSULOTLARI



Manzilimiz: 10372 Fairfax Blvd,  
Fairfax VA 22030  
Telefonimiz: 703.591 29 00  
Fax: 703.591 29 59  
Web: www.amitymeat.com  
E-mail: contact@amitymeat.com



**Valentino's**  
Pizzeria & Family Restaurant

**EAT IN • TAKE OUT  
CATERING FOR ALL OCCASIONS**

**WE DELIVER - \$1 Delivery Charge  
OPEN EVERYDAY 10:30AM TO 10:30PM**

7 North Beverwyck Rd • Lake Hiawatha, NJ 07034  
CALL FOR PICK UPS

**(973) 263-2022**  
Fax: (973)299-7306  
www.ValentinosNJ.com

Prices May Change

**Uz Painting Co**

Furqat  
917-991-0228

UzPaintingCo@gmail.com

**Тез ва Кулай  
Компютер Тузатиш**

- Операцион системани созлаш
- Вирусларни ўчириш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Ўқиб кеткан файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Уйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш

Call for appointment  
T: (347) 445-4648  
Shohruh

Текин  
Антивирус  
Програм-  
маси

2705 Coney Island Ave  
Brooklyn, NY 11235  
nyComRe@gmail.com

**"Individual Computer Courses"**  
Microsoft Office • Movie maker  
Installing Programs • Installing Windows  
Adobe Photoshop • Adobe Illustrator  
Graphic Designing

**VATANDOSHda reklama — arzon va foydali!**

Эффективно и недорого рекламируйте в газете **VATANDOSH**

Advertise cheap and affordable rates in **VATANDOSH**

For more information, visit [Vatandosh.com/advertising](http://Vatandosh.com/advertising), or call us at 646.397.0325. Email: [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com)

## ЮКНИНГ ОҒИРИ

Рўзгор тебратиш кўпроқ аёллар зиммасига тушиб, эркаклар уйга кириб қолаяпти, деган гаплар юради. «Танаси бошқа дард билмас», дейдилар. Бунинг ҳам сабаблари бордир. Шунақа-ку... Одам Ато замонидан қолган одат бор. Эркак ўлимга тик бориб, шер чангалидаги кийикни овлаб келадими, дарахтнинг қир учига нарвонсиз чиқиб, мева узиб тушадими, тўмтоқ ёғоч билан ер тирмалаб дон сепадими, нима қилса ҳам топиб-тутиб келиб, рўзгор тебратган. Хотин эса оила чироғини ёқиб, ўчоғини ўчирмай ўтирган... Ҳар қандай вазиятда ҳам юкнинг оғирини эркак кўтарган!

Ҳозирги эркаклар шунчалик нотавон бўлиб қолмагандир, ахир...

## СУҚРОТ САВОЛИ

Улуғ олим Суқрот кўчада кетаётса, бир номард орқасидан келиб, курагига пичоқ урибди. Суқрот хотиржам бурилиб қараб, сўрабди:

— Мен сенга қачон яхшилик қилувдим, биродар?

Буюк файласуф саволида қанчалар изтироб борлигини хиёнатга йўлиққан одам билади!

## ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейдилар.

Чиндан ҳам шундай. Олдимиздан оққан сувни увол қилсак — чидайди. Қўлимизни ювсак — чидайди. Бетимизни чайсак — чидайди. Боринги, оёғимизни ювсак ҳам — чидайди... Аммо... Олдимиздан оққан сувга тупурсак, чўп тиқиб лойқалатсак, бошидан мағзава ағдасак... Олдимиздан оққан сувнинг гуноҳи нима ўзи?!

## ИФТИХОР

Бир гал анча олис сафарга чиқишга тўғри келди. Аввал Германияга учдик. Ундан Америкага. Сунг Швейцарияга. Кейин Англияга.

Ниҳоят Лондондан Тошкентга учадиган бўлдик. Ҳаво кемасига чиқишимиз билан осойишта ва ёқимли овоз янгради: «Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!» Ростини айтсам, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу сўзлар менинг тилимда, она тилимда жаранглади! Ватанимдан мингиаб чақирим нарида, тагин юзлаб хорижий йўловчилар ўтирган кемада!..

Ақалли, мана шу ҳолатнинг ўзи учун Истиклолга минг бора таъзим қилишга тайёрман!

## МУНОФИҚ

Онасини беҳурмат қилган одам кўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қиламан, деса ишонмайман.

**Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асаридан олинди.**

# ТУРКИСТОН БИРЛАШМАДИ, ОДАМЛАРИЧИ?



Ушбу газета айнан Ватандош деб номлангани мени жуда севинтирди. Негаки, бу ном бизнинг бир-биримизга бўлган яқинлигимиз айнан ватанимиз бир бўлганлиги туфайли эканлигини англатади. Миллий мансубиятимиз қандай бўлишидан қатъи назар, шу қадрдон Ватан фарзандларимиз ҳаммамиз. Ундан узоқда бўлсак ҳам, ҳаммамизнинг қалбимизда шу Ватанга бўлган соғинч ва муҳаббат бор ва айнан шу нарса бизни бирлаштириб турибди.

Баъзиларнинг йўли яқинда, баъзиларнинг йўли эса ҳали Ўзбекистон деган давлат ташкил бўлмасдан олдин ватанимиздан айри тушган. Шу сабабдан айтиш мумкинки, бизнинг ватанимиз бутун Туркистон. Ҳаммамиз

шу юрт, шу ўлка фарзандларимиз.

Чундай экан биз, Туркистон ўлкасининг асл фарзандлари сифатида бу ўлкада яшовчи халқлар орасида ўзаро ҳурмат, ишонч, ва бирдамлик туғулари кучайтиришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Шундай қилмасак, ватанимиз Туркистон бошига кўп балолар келиши муқаррар. Утган йили Қирғизистонда бўлган қонли фожеалар бунга далилдир. Бу биз учун оғир, мусибатли сабоқдир.

Бўлинганни бўри, айрилганни айиқ емас экан, бўлинганлар, айрилганлар бир-бирини ер экан ҳозирги замонда. Миллатчилик ва этнократияга асосланган сиёсий доғмалар кун сайин, йил сайин Туркистон ўлкаларини ва миллатларини бир-биридан узоқлаштириб борапти. «Туркистон умумий уйимиз» деган сиёсат 90-йиллар бошида минтақамизда жуда оммавий эди. Афсуски, кейинчалик ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Агар бу сиёсат

изчил давом эттирилганида, балки Ўшдаги қонли фожеа 20 йил ўтиб яна қайтарилмаган бўлармиди, ким билади. Бутун дунё, жумладан, Европа ҳам этнократиядан узоқлашаётган бир даврда яшаймиз. Бу давр ота-боболаримиз орзу қилган, курашган ва жон берган азалий ғоя - Туркистон регионализмини янгидан тарғиб қилиш, жонлангириш учун ажойиб имкониятдир!

Ҳамма буюк ишлар кичик қадамлардан бошланади, азиз ватандошларим. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни ҳурмат қилайлик. Нафақат бир-биримиз, балки бизнинг том маънодаги ватандошларимиз бўлган қирғиз, тожик, туркман, қозоқ, ва бошқа қондошларимизга ҳам ҳурмат-эҳтиромда бўлайлик. Ватандош сифатида, Туркистон фарзанди сифатида уларга ўрнак бўлайлик, ҳар жабҳада елкадош бўлайлик ва ўзаро ҳурмат ва ватандошлик туғулари тарғиб қилайлик!

Яқинда «Facebook» ([www.facebook.com/vatandosh.gazetasi](http://www.facebook.com/vatandosh.gazetasi)) орқали «Ватандош» саҳифаларида нима ўқишни истардингиз, дея сўралган саволга газета ўқувчилари ҳар хил жавоб берган: Кимдир Ўзбекистондаги иқтисодий вазият билан қизиқса, баъзилар тарихий мақолалар ўқишни истаган.

Тўғри, ҳамма мавзулар-да қизиқ, керакли. Аммо «Ватандош» бу масалага бир ўзгача ёндашмоғи лозим, деб ўйлайман, яъники газета ўзининг устунлик томонидан унумли фойдаланмоғи даркор. Унинг ўқувчилари, маркетинг тили билан айтганда, «таргет маркет»и фақат Нью-Йорк ёхуд Америка ўзбеклари эмас,

## ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИ ҲАҚИДА КўПРОҚ ЁЗИЛСА

балки бутун дунё узра тарқалган, дунёнинг турли мамлакатларида яшайдиган, ўқиб ишлайдиган, сони миллионларга етадиган ўзбекистонликлардир. Интернет ва ижтимоий тармоқлар (social network) орқали кундалик-кунда улар билан алоқа-мулоқотда бўлиш имкони бор муштарийлар.

Ижодкорлар, бирламчи, ана шу юртдошлар ҳақида кўпроқ маълумот беришса, маъқул бўларди. Мени, масалан, хорижда таҳсил олаётган талаба сифатида, Россияда ишлаётган, Америкада ўқиётган, Австралия, Швецияда яшаётган ўзбекларнинг ҳаёти қизиқтирган бўларди. Улар қандай яшайпти? Нимани ўйлапти? Қувончи-ю муаммоси нимада? Шунга ўхшаган мавзулар бошқа ўзбек йигит-қизларига ҳам қизиқ туюлса керак.

**Шерзод АЛИ,**  
Лондон, Англия

# ТУРКИЯДА ВАТАНДОШЛАРЛАР САЙЛГА ЧИҚДИ



Туркияда истиқомат қилувчи ўзбекистонликлар 40 йилдирки, ҳар йили аънавий сайл уюштиради. Бу йилги учрашувимиз 10 июль куни Истанбулда бўлди. Унда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонладик.

Албатта, сайлимизда дастурхонни беазаган энг асосий таом ўзбек палови бўлди. Зеро, ўзбеклар йиғилган жойни ош-сиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сайлда Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош Консули Аббор Фуломов ва консуллик

ходимлари ҳам иштирок этди. Тадбирда ёшлар турли миллий халқ ўйинларини ўйнади. Бир томонда ёшлар волейбол ўйнади экан, иккинчи томонда ёш болалар қошиқда тухум ташини, арқон тортиш, қоп ичига тушиб югуриш каби миллий ўйинларни ижро этишди. Булардан ташқари, сайлда ёш қиз-йигитлардан иборат миллий фольклор гуруҳини тузиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

**Эргаш ЖУМАЕВ,**  
Истанбул, Туркия

# ОТА-ОНАМ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШИНИ ХОҲЛАЙМАН

Ҳурматли, «Ватандош» газетаси ижодкорлари.

Манда газета учун бир тақлиф бор. Агар иложи бўлса, газетада инглиз тилини билмайдиган ватандошларимиз учун инглиз тили дарслари ҳам ташкил қилинса.

Масалан, менинг ойим эрталабдан кечгача уйда қаровчи (home attend) бўлиб

ишлайдилар. Ишдан ортиб, тил ўрганиш учун боришга вақтлари йўқ. Ишлашим керак, деб ўқиш учун вақт ажрата олмайдилар. Бошқа кўплаб ватандошларимиз, масалан, менинг холаларим, танишларим ҳам шундай.

Улар ишда, кўпинча, кечаси бўшаган пайтларида бекор ўтирмасдан газета

ўқийдилар. Мен истардимки, шунақа пайтда «Ватандош» газетасини ўқишса ва унда инглиз тилини ҳам ўргатадиган дарслар бўлса. Мана шундай йўл билан уларнинг инглиз тилини ўрганишларини жуда ҳам истар эдим.

Буни нафақат мен, балки мен қатори барча фарзанд-

лар ота-оналарининг тил ўрганишларини жуда ҳам исташса керак. Ёзган хатимга эътибор берасизлар ва шу масалада газетада бир янги рукн ташкил этасизлар, деб умид қиламан.

**Мафтуна,**  
Бруклин

# “Ҳаё - халоскор”

Иброҳим Ғафуровнинг “Ҳаё – халоскор” китобидан мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсселар ҳамда публицистик асарлар ўрин олган.

Муаллиф, мансуралар номли янги жанр яратдим, дейди. Китобнинг “Таржимаи ҳол чизгиси” номли кириш сўзида у шундай ёзади:

“Борхес, Монтен ва Сен-Сёнаган ҳамда ҳинд, хитой, япон файласуфларининг асарлари таъсирида кучли нутқ оқими асосланган “мансуралар” деган жанр яратдим.

Мансуралар эркин шеър жанрига жуда яқин, лекин эркин шеър эмас. У мени ўртаган ўй, хаёл, орзу ва эришилмаган, йўқотилган нарсалар тўғрисида фикр оқимлари”.

Китобнинг биринчи боби “Мансуралар. Менинг романларим” деб аталган. Иброҳим Ғафуровнинг ўзига хос тили бор: ширали, ўқсангиз қулоққа, маъноси юракка ёқади, таъмини сезасиз.

Муаллифнинг ёшлиги оғир кечган экан. Бу ҳақда китобдаги “Яратган кўп нарсаларни ато этган” номли асарда жуда таъсирчан баён бор:

“Оёқларимизда ҳеч нарса йўқ эди. Ялангоёқ борардик мактабга. Кеч кузак, узун қаҳрли қиш, серёмғир кўкларда оёқларимиз тамомила ёрилиб кетар, товонларимизнинг қават-қават ёриқларидан ҳаммиша қон силқиб турарди. “Жухуд калиш” деган кийим чиқиб, бироз енгил тортдик. Юпқа резинадан клейлаб ясалган калишлар... икки кунга ҳам чидамас, дарров таги йўлда тушиб қоларди. Шу калишларнинг ичи қор ва муз, лой билан тўлар, уни ботган жойида қолдириб, яна ялангоёқ бўлиб олсак енгил тортардик. Оёқ ҳеч тинмай



## Тақриз

сирқираб оғри, балчиққа ботиб қарахт бўлиб қолган бу нотавонни нима қилишни билмасдик. Оғришига эса чидаб бўлмасдик. Тириклик қон силқиб турган оёқ бўлиб кўринарди бизга...”

Муаллиф турли диний ва фалсафий манба ҳамда китобларга бирдек ижобий муносабатда. Бу нарса сўзларидаги диний ва фикрий бағрикенгликда сезилади. Бундай маъноларни “Ҳаё – халоскор”даги “Фридрих Нитше – тафаккур ва хаёлот сеҳргари”, “Нитше шиддати”, “Панчатантра” қандай китоб?” каби мақолаларда кўриш мумкин.

Масалан, И.Ғафуров “Панчатантра” қандай китоб?” сарлавҳали мақоласида ҳиндуларнинг муқаддас китобига шундай таъриф беради:

“Бу китобда инсонга ёт бўлган бирон оғиз сўз йўқ. Асл неъмат. Она китоб. Худди “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон”, “Ригведа”, “Бхагавадгита”, “Дхаммапада”, “Маҳобҳорат” каби она китоб. Оллоҳдан нузул бўлган муқаддас сўз, дегим келади. Инсонни инсон қиладиган, унга ақл ва тажриба берадиган, яшашга ўргатадиган она китоблардан...”

“Ҳаё – халоскор” “Шарқ” нашриётида 2006 йил 5000 нусхада чоп этилган. Қалин муқовали, 384 бетдан иборат.

Китобни “Ватандош” кутубхонасидан сотиб олишингиз мумкин. Харид қилиш истагида бўлганлар info@vatandosh.com электрон манзили ёки 646-397-0325 телефон рақами орқали тахририятга боғланишлари сўралади.

Бехзод МАМАДИЕВ

Газетамизда “Кинотеатр” бурчагини очдик. Бу ерда кинофильмлар ҳақида суҳбатлашамиз. “Кинотеатр” барчамиз учун сеvimли бўлган ўзбек классик фильмларидан тортиб замонавий Голливуд фильмларигача бўлган улкан кинокартиналар бисотидан сара фильмларни танлаб олиб, улар ҳақида киношунос мутахассис маълумотини беради. Сиз билан бугун ўзбек кино санъатининг олтин даврига сафар қилиб, ҳаммамиз учун сеvimли бўлган “Суюнчи” фильми ҳақида суҳбат қурамиз.

## Кинотеатр

бориб, нега отангни кўргани касалхонага бормаяпсан, деб қаттиқ танбеҳ беради. Ҳатто колхоз раисига ҳам ҳадди сиғиб насиҳат қилади. Одамларга бу ёқмай, улар Анзират холанинг дилини оғритишади. Натижада у касал бўлиб ётиб қолади.

Фильмда Совет даври пропагандаси нафаси ҳам бор. Масалан, Холмат бобо Анзират холанинг катта невараси Абдуллани урушаётганда, қулоқлар Анзират холанинг эрини ёшлигида ўлдириб кетганлари ва тул қолган Анзират бутун бошли колхозга раислик қилгани ҳақида гапиради.

Лекин фильмда Совет идеологияси таъсири деярли сезилмайди. Фильм бадиий жиҳатдан пишиқ ишланган. Бугунги

Ўзбек кино санъатининг мумтоз намунаси бўлган “Суюнчи” фильми қарийб 40 йил муқаддам суратга олинган бўлишига қарамай ўзбек хонадонларида ҳануз севиб томоша қилинади. Фильм режиссёр Мелис Абзалов томонидан ишланган. Бош ролларни Зайнаб Садриева, Фани Аъзамов, Икром

## “СУЮНЧИ” БИЗНИ ДОИМ СУЮНТИРАДИ

Болтаева, Хусан Шарипов, Ноила Тошканбоева, Абдурахим Абдувоҳобов, Махсум Юсупов ижро этган. Уларнинг айримлари бугун орамизда йўқ.

Хусан Шарипов 10 боланинг отаси ролини ижро этган. Дарди – футбол. Хотини яна бир ўғил туғса-ю, бутун бир футбол жамоасини тузса. Аммо, фильм охиридан биламизки, 11-фарзанд ўғил эмас, қиз туғилади. Энг кичик ўғил, “Суюнчи”, ойим қиз туғдилар”, деб югуриб келади.

Лекин фильм бу ҳақда эмас. Назаримда, фильмда миллий урф-одатларимиз, динимиздаги амри-маъруф, наҳий-мункар масалалари чиройли очиб берилган. Фильмнинг кекса қаҳрамони Анзират хола Холмат бобо билан қишлоқда катта-кичик ҳаммага насиҳат қилиб, танбеҳ бериб юради. Масалан, бир ҳамқишлоғининг уйига



кунда ўзбек кино санъати арзон бюджет билан яратилган, сюжети олди-қочди кундалик маиший турмуш воқеаларига асосланган саёз фильмларга тўлиб тошган бир пайтда, “Ўзбекфильм” бисотида “Суюнчи” каби сифатли фильмларнинг борлиги одамнинг кўнглига таскин беради.

“Суюнчи”ни “Ватандош” сайтининг видео бўлимидан томоша қилишингиз мумкин (www.vatandosh.com/suyunchi).

## “LIVING WAY” SIZNI CHORLAYDI!



БЕПУЛ

**Xristofor Kolumb Mirzo Ulug‘bekning yulduzlar xaritasi orqali Amerikani kashf etdi. Biz esa Amerikaga endi kelganlar uchun “Living Way”ga tashrif buyurishlarini taklif qilamiz.**

**“Living Way” bolalar va kattalar uchun ingliz tilini o‘rganadigan bepul maktabdir. Bu maktab asosan Markaziy Osiyodan Amerikaga kelgan insonlar uchun maxsus ochilgandir.**

**Mashg‘ulotlarni amerikalik o‘qituvchilar olib borishadi. “Living Way” da olgan bilimlaringiz Sizni nafaqat Amerika hayotiga moslashtiradi, balki o‘z turmush tarzingizni to‘la o‘zgartirishga imkoniyat yaratadi. O‘zingizga va yaqinlaringizga eng to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatadi!**

Murojaat uchun manzil: 2487 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11223  
Tel. 718-781-6030

## АМЕРИКАНСКИЙ ИНСТИТУТ ПАРИКМАХЕРОВ

**ПРЕДЛАГАЕТ: Эффективный курс ПАРИКМАХЕРА за 10 Недель**

- стрижка модельная мужская и женская
- укладка, бритьё, массаж лица
- Высококвалифицированные преподаватели
- Удобное расписание
- По окончании выдается сертификат
- Наши студенты практикуются на клиентах
- В отличии от других школ и нас низкая стоимость

15 лет в business

**Начните карьеру ПАРИКМАХЕРА сейчас!**

**Более 1000 студентов нашей школы получили дипломы и работают в престижных районах Нью-Йорка!**

## АМЕРИКА SARTAROSHLAR INSTITUTI

O'n haftalik o'quv kurslarini taklif etadi.

- Malakali mutaxassislar dars beradi;
- Qulay dars jadvali;
- O'qish so'ngida sertifikat beriladi
- Mijozlar ustida to'liq amaliyot o'tkaziladi

Eng muhimi, narxlarimiz arzon!  
Ish bilan ta'minlashda yordam beramiz.  
15 yildan beri faoliyat yuritamiz.



Помогаем в трудоустройстве  
Звоните прямо сейчас по телефону: (212) 227-6351  
113 Chambers Street New York, NY 10007

# 2011 ЙИЛНИНГ ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛЛАРИ



\$2, 173, 950



\$1, 700, 000

## 1 Koenigsegg Trevita:

Швецияда ишлаб чиқарилади. Дунёнинг тўртинчи энг тез юрар машинаси. Соатига 245 милдан ортиқ йўл босади. Шу пайтгача ушбу моделдан фақат уч дона чиқарилган. Кузовни безатишда олмосдан фойдаланилган.

## 2 Bugatti Veyron:


Дунёнинг энг қисқа муддатда тезлик олувчи автомобили: 2.6 сонияда соатига 60 мил тезликка чиқади. Энг катта тезлиги 253 мил/соат. 1001 от кучига эга 16 цилиндрли двигатель билан жиҳозланган.



\$1, 600, 000



\$970, 000



\$670, 000

## 3 Lamborghini Reventon:

Тезлиги соатига 211 мил. 3.3 сонияда 60 милга чиқади. Машина дизайни "Stealth" самолётига мослаб қилинган. 650 от кучига эга V12 двигателига эга. Карбон толаларидан қилинган учун машина жуда энгил.

## 4 McLaren F1:

1994 йилгача дунёнинг энг тез автомобили бўлган. 15 йил олдин ишлаб чиқарилганига қарамай соатига 240 мил тезликка чиқади. 3.2 сонияда 60 мил тезлик олади.

## 5 Ferrari Enzo:

Соатига 217 мил тезликка эга. 60 мил тезликка 3.4 сонияда чиқади. 400 дона ишлаб чиқарилган. Кимосди савдоларида бир млн. доллардан юқори баҳоланади.



\$667, 321



\$654, 400



\$555, 000

## 6 Pagani Zonda C12 F:

Италияда кичик бир компания томонидан ишлаб чиқарилган. Дунёнинг бешинчи энг тез юрар автомобили. 215 мил/соат тезликка эга. 60 милга 3.5 сонияда чиқади.

## 7 SSC Ultimate Aero:

Дунёнинг энг тез юрар машинаси: 257 мил/соат тезликка эга. 2.7 сонияда 60 милга чиқади. 25 дона ишлаб чиқарилган.

## 8 Saleen S7 Twin Turbo:

Америка маҳсулоти. Учинчи энг тез юрар автомобил. 248 мил/соат тезликка эга. 3.2 сонияда 60 мил тезликка чиқади.



\$495, 000



\$440, 000

## 9 Mercedes Benz SLR McLaren Roadster:

Автоматик тезлик мосламаси билан энг катта тезликка чиқувчи автомобил. 206 мил/соат тезликка эга. 3.8 сонияда 60 мил тезлик олади.

## 10 Porsche Carrera GT:

205 мил/соат тезликка эга. 3.9 сонияда 60 милга чиқади.

Katta davrada sher mardonavor qadam tashlab, hayvonlarni o'zi bilan kuch sinashga chaqiribdi.

Hamma jim turibdi, hech bir hayvonning sher bilan bellashishga yuragi dov bermabdi.

Shu yerdan o'tib borayotgan chumoli «nima gap ekan», deb davra tomon burilibdi.

Sher:


— Marding bo'lsa maydonga chiq! — deb kerilibdi.

Chumoli atrofdagi hayvonlarga sinchkovlik bilan boqibdi. Ularning hech biri kurashishga jur'at etmabdi.

Shunda chumoli:

— Sen bilan men bellashaman, — debdi.

## SHER VA CHUMOLI (Ertak)



eshitgan sher o'rmonni larzaga keltirib kulibdi.

— Meni masxara qilyapsanmi? — debdi g'azablanib. — Axir seni bir puflasam uchib ketasan-ku.

— Yo'q, men jiddiy gapiryapman, sen bilan haqiqiy kuch sinashmoqchiman, — debdi chumoli qat'iy ohangda.

Davradagi katta-kichik hayvonlar qo'rqib, ularga qarashibdi.

— Xo'sh, sharting qanday? — so'rabdi sher.

— Men o'z og'irligim bo'yicha, keyin sen ham o'z og'irliging bo'yicha yuk ko'tarasan, — debdi chumoli.

— Bor-yo'g'i shumi? — debdi sher mensimay va o'z og'irligiga teng keladigan yukni havoda o'ynatibdi.

— Endi yukni ikki baravariga oshiramiz, — debdi chumoli.

Bu shartni ham sher eplabdi. Lekin keyingi shartlarni bajarish unga oson bo'lmabdi.

— Endi o'z og'irligimizga o'n barobar kela-digan yukni ko'taramiz, — debdi chumoli. Chumoli hech qiynalmay yukni ko'taribdi.

Sher esa o'ziga o'n barobar keladigan yukni ko'tarishga qancha urinmasin, joyidan qo'zg'ata olmabdi.

G'olib chumolini hamma tabriklabdi.

Абдулла МАДАЛИЕВ

### Materiallar:

Rangli qalam yoki flomasterlar; Plakatlar uchun qog'ozlar yoki niqob uchun qog'oz likobchalar; Niqob uchun tasma.

### Dars jarayoni:

Bolalar bilan ertakni o'qib suhbat qil-ing.

Bolalarga notanish so'zlarni aniqlang va ularning ma'nosini tushuntiring.

Bolalar bilan qaysi rolgga kim mos ekanligini muhokama qiling.

Keyin bolalar o'zlari tanlagan rolning rasmini qog'ozga chizadilar.

Bolalar bilan ertakni sahnalashtir-ing.

Agar sinfda bolalar soni ko'p bo'lsa, bitta rolni bir necha kishi o'ynashi mumkin. Buning uchun kostum topilsa yaxshiroq bo'ladi. Shunday qilinsa, eshak, sigir, bo'ri rollarini bir necha kishi o'ynashi mumkin. Agar bolalar soni kam bo'lsa, ular bir necha rolni o'ynashlari mumkin.

### Rollar:

1. Kishi;
2. Eshak;
3. Muz;
4. Quyosh;
5. Bulut;
6. Yomg'ir;
7. Yer;
8. O't;
9. Sigir;
10. Bo'ri;
11. Mergan;
12. Sichqon;
13. Chumoli.

### Ertak matni:

O'tgan zamonda bir kishi safarga chiqqan ekan. Bir soydan o'tishga to'g'ri kelibdi. Qish vaqti ekan. Suv muzlagan ekan. Eshakning keyingi oyog'i muzga toyib, yiqilib beli sinibdi... U kishi xafa bo'lib, muzga qarab shunday debdi:

— Ey muz aka, sen o'zing kimdan zo'rsan?

Muz:

— Men zo'r bo'lsam, quyosh meni erita olarmidi? — debdi.

Shunda u kishi kunga qarab: — Ey quyosh, sen kimdan zo'r? — debdi.

Quyosh:

— Men zo'r bo'lsam, bulutlar mening yuzimni to'sa olarmidi? — debdi.

Shunda u bulutga qarab:

— Ey bulut aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

## KIM ZO'R? (Sahna o'yini)

Bu dars sahna o'yini tarzida olib boriladi. Bolajonlar darsni sahnada o'ynash orqali o'zbek tilidagi yangi so'zlarni va ularning ma'nolarini o'rganadilar.

Bulut:

— Men zo'r bo'lsam, yomg'irlar meni teshib-teshib o'tarmidi? — debdi.

Shunda u yomg'irga qarab:

— Yomg'ir aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

Yomg'ir:

— Men zo'r bo'lsam, yerga singib ketarmidim, — debdi.

U yerga qarab:

— Yer aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

Yer:

— Men zo'r bo'lsam, o'tlar teshib chiqarmidi, — debdi.

Shunda o'tga qarab:

— O't aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

O't:

— Men zo'r bo'lsam, sigirlar yulib-yulib yutarmidi? — debdi.

Sigirga qarab:

— Sigir aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

Sigir:

— Men zo'r bo'lsam, bo'rilar yermidi? — debdi.

So'ngra bo'ridan:

— Bo'ri aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

Bo'ri:

— Men zo'r bo'lsam, merganlar otarmidi? — debdi.

— Mergan aka, sen kimdan zo'rsan—

debdi...

Mergan:

— Men zo'r bo'lsam, o'q soladigan xaltamni sichqon va kalamushlar qirgib tashlarmidi? — debdi. Shunda u kishi sichqonga qarab:

— Sichqon aka, siz kimdan zo'rsiz? — debdi.

Sichqon:

— Men zo'r bo'lsam, qumursqalar qulog'imdan chimchib-chimchib chaqib olarmidi? — debdi.

— Qumursqa aka, sen kimdan zo'r? — debdi.

Qumursqa:

— Men zo'r, men zo'r, men zo'r, — debdi. — Otangning olti yuz botmon bug'doyini olti tog'dan oshirib yeganman, pochchangning yuz botmon bug'doyini yetti tog'dan oshirib yeganman. Men zo'r, men zo'r, men zo'r, — debdi.

— Qorning nima uchun katta? — deb so'rabdi u kishi: — Jigarim zo'r, — debdi qumursqa.

— Beling nima uchun ingichka? — deb so'raganida.

— Mehnatim zo'r! — deb javob beribdi qumursqa.

— Kallang nima uchun katta? — debdi u kishi.

— Davlatim zo'r! Mehnatim zo'r, davlatim zo'r, men zo'r, men zo'r! — debdi qumursqa.

Umida HIKMATILLAYEVA



Vatanimga xizmat qilaman!

### HADISLARDAN YOD OLAMIZ

\*\*\*

Bir sahoba Rasululloh (s.a.v.)ga yaxshilik bilan gunoh haqida savol berdilar. Rasululloh (s.a.v.): "Yaxshilik axloqning chiroylik bo'lishi, gunoh esa qaysi bir ishni qilishda ko'nglingda g'ashlik paydo bo'lib, uni kishilar bilib qolishini xohlamaydigan bo'lsang, mana shu ishni qilmog'ing gunohdir", dedilar.

\*\*\*

Jobir ibn Abdulloh (r.a.) aytdilar: "Rasululloh (s.a.v.): "Kishilarga qilinadigan har bir yaxshilik sadaqa hisoblanadi, hatto bir birodaringga ochiq yuz bilan ro'baro' kelishing va chelagingdan uning idishiga (suv) solib berishing ham sadaqa bo'ladi", dedilar".

\*\*\*

Abdulloh ibn Amr (r.a.)dan rivoyat qilindi: u kishi: "Axloqning yaxshi bo'lishi, taomning pokizaligi, rostlik va omonatga xiyonat qilmaslik - mana shu to'rt xislatni Alloh taolo senga bergan bo'lsa, dunyoviy ishlardan chetda qolgan bo'lsang ham, zarari yo'qdir", dedilar.

\*\*\*

Ubaydulloh ibn Mihsan Ansoriy (r.a.) aytdilar: "Rasululloh (s.a.v.): "Kimki o'z oilasi ichida tinch, tani sog' bo'lib tursa va oldida shu kuniga yetarlik taomi bo'lsa, u odamga go'yo bugun dunyo berilgan hisoblanadi", dedilar".

Imom Buxoriy rivoyati



## KINGS FOOD

International Food Market

1914 KINGS HIGHWAY • BROOKLYN. NY 11229  
PHONE: 718-336-8100

## ДОНИШҚИШЛОҚ ЛАТИФАЛАРИ

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

### МАТМУСАНИНГ ЭШАК СОТГАНИ

Матмусанинг эшаги  
Айниб қолди дафъатан.  
Яқинлашиб бўлмади  
На олддан, на оркадан.

Қўшқават арқонни ҳам  
Узар бўлди ҳароми.  
Ҳангараганда оламни  
Бузар бўлди ҳароми.

Миниб бўлмас устига,  
Копток қилиб отади.  
Бўлди энди. Матмуса  
Эшагини сотади.

Лекин қадимдан қолган  
Бозордаги қоида:  
Нима сотсанг, айбини  
Айтиш керак жойида.

Ҳеч кимса Матмусадек  
Қийин ҳолга қолмайди.  
Баччағарнинг айбини  
Айтсанг, биров олмайди.

Айтмасанг — яна гуноҳ!  
Матмуса кўп ўйлади.

Уйлаб-ўйлаб бозорда  
Шундай дея сўйлади:

«Эшагим — арзон эшак,  
Келаберсин харидор.  
Ўзи эшак бўлса ҳам  
Ўнта отнинг кучи бор.

Эшагим полвон эшак,  
Кўп хушнафас эшагим.  
Айби бўлса, биргина,  
Одамемас эшагим».

Бозор аҳли кулади:  
Шунақа ҳам бўларми?  
Эшак ахир эшак-да,  
Эшак одам бўларми?

Бошқа айби бўлмаса,  
Бундай улов қайда бор?  
Эшакни олиб кетди  
Арзонга бир харидор.

Қутулдим деб азобдан  
Шукур айтди Матмуса,  
Пулни ҳамёнга солиб,  
Уйга қайтди Матмуса.

Қайтди-ю қотди ҳайрон  
Ҳолат — худди кечаги.  
Оғилда боғлиқ турар

Пишқирганча эшаги.

Афтодаҳол харидор  
Йиғлаб турар қошида,  
Қўли, оёғи майиб,  
Тўртта ғурра бошида.

Матмусага дер: «Инсон!  
Имонингдан қайтдингми?  
Эшак сотдинг, тепади,  
Тишлайди, деб айтдингми?»

Эшак эмас, тўнғиз-ку,  
Бу махлуқнинг мени ер.  
Сенда бошқа гапим йўқ,  
Эшакни ол, пулни бер».

Матмуса жавоб айтар:  
— Сенга эшак сотганман.  
Хушёр бўл, деб тайинлаб  
Одаммас, деб айтганман.

Энди қолма йўлингдан,  
Мен билан гап талашма,  
Арзон деб бир адашдинг,  
Бошқа сира адашма.

Дўстлар!  
Сиз ҳам Матмуса  
Ҳикматин унутманглар.  
Эшаклардан ҳеч қачон

Одабийлик кутманглар.

### МАТМУСАНИНГ БОҒИ

Доно бўлиб Матмуса  
Эл кўнглини чоғ қилди.  
Донишқилоқ четидан  
Қўриқ очиб боғ қилди.

Боғ мевага кирганда  
Йиғин бўлди каттакон.  
Матмусага ўқилди  
Минг олқишу шараф-шон.

Қишлоқ учун боғнинг ҳам  
Даркорлиги билинди.  
Матмусага шу кундан  
Маош тайин қилинди.

Боғ бор, боғбон бор, энди  
Бир раҳбар ҳам керакдир.  
Иш кўрган бир улуғ зот  
Тайинланди директор.

Боғ бор, боғбон бор, мана  
Раҳбарлик бор, иш катта.  
Секретарсиз, шофёрсиз  
Бошлиқ бўлмас албатта.

Бошлиқ бўлмас албатта

Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон Халқ шоири

Бир жуфт ўринбосарсиз.  
Тўртта замга саккизта  
Ёрдамчи ҳам зарарсиз.

Чўт қоқишга ўн киши,  
Пул санашга қирқ одам.  
Ярим қишлоқ — зампомпом,  
Яримқишлоқ — помзамзам.

Бир йил ўтгач донолар  
Боғни тафтиш қилдилар.  
Ўргандилар, ҳамма иш  
Жойида деб билдилар.

Фақат штат қисқартиш  
Заруратга ўхшади.  
Буйруқ бўлди, Матмуса  
Боғбон ишдан бўшади.

Эй сиз, дўстлар, борсангиз  
Бизнинг Донишқилоққа —  
Қўниб ўтинг ғаройиб,  
Боғбони йўқ у боққа.

Ўзингиз бир хисобланг  
Ходим кўпми, кумурсқа...  
Кириб олинг сиз ҳам бир  
Телефонлик юмушга.

1976-1991

**AIRPORT SERVICES IN NEW YORK**



**ТОШКЕНТГА АВИАЧИПТАЛАР!**

Аэропортда кутиб олиб, NYC аэропортидан 300 милгача масофа бўлган бошқа штатларга олиб бориб қўйиш ёки олиб келиш.

**AIRLINE TICKETS TO TASHKENT!**

Meet you/your guests at the JFK, LGA and Newark Airports and give ride to/from other states up to 300 ml from NYC Airports.

**Asqar**  
**Leo Avia Express**

**718-354-5000, 718-570-7007**  
**Email: flytotas@gmail.com**

**BRIGHTON FABRICS**

301 L·U·G·G·A·G·E




*Sumka, chemodanlar bilan  
1988-yildan bezi  
Siz bilan!*

Murojaat uchun manzil:  
301, Brighton Beach Ave. Brooklyn, New York  
Tel. 718.769.1479


1. Аллоҳ ҳузуридаги энг мақбул дин. 2. Охирзамон пайғамбари. 3. Эътиқод. 4. Ҳанафий мазҳаби асосчиси исми. 5. Ислондаги иккинчи фарз. 6. Халифа Усмон (р. а.)нинг лақаби. 7. Қуръондаги аёлларга бағишланган сура. 8. Муҳаммад (с. а. в.)нинг оналари исми. 9. Муҳаммад (с. а. в.)нинг оталари исми. 10. Ислон динини биринчи бўлиб қабул қилган аёл. 11. Биринчи халифа. 12. Пайғамбарларга берилган сифат. 13. Мусулмонларнинг муқаддас байрами. 14. Рамазон ойида ўқиладиган суннат намоз. 15. Пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) амакиларининг исми. 16. Халифа Ҳасан ва Ҳусайннинг отаси. 17. Рамазон ойидаги оғизни очиш маросими. 18. Мўғулларга қарши курашда ҳалок бўлган хоразмлик шайх. 19. Абу Бакрнинг қизи, пайғамбаримизнинг завжалари. 20. Қуръони каримнинг тили. 21. Ҳадис мулкининг султо-

## “РАМАЗОН” БОШҚОТИРМАСИ



ни туғилган шаҳар. 22. Биринчи пайғамбар. 23. Муҳаммад (с. а. в.) туғилган шаҳар. 24. Қуръони каримни ўзбекчага ўгирган муфассирлардан бири. 25. Молнинг 40/1 ҳисобига тўланадиган ислоний фарз. 26. Мадрасада таълим оладиган ўқувчи. 27. Намозга чорлов садоси. 28. “Дил ба ёру, даст ба кор” ақидаси асосига қурилган тариқат. 29. Оллоҳдан ижобат бўлишини сўраш. 30. Мўтабар, улуғ зот. 31. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий. 32. Намоздаги бошловчи. 33. Муҳаммад (с. а. в.) дафн этилган шаҳар. 34. Маккадаги муқаддас тоғ. 35. Тошкент шаҳридаги масжид. 36. Аёллар арафа куни суртадиган бўёқ (русча). 37. Карамли, улуғ маъноларини билдирувчи исм. 38. Ислон ҳуқуқшунослиги фанининг намояндаси, “Ҳидоя” асари муаллифи.

## “МАШҲУРЛАР” КРОССВОРДИ



**БЎЙИГА:** 1. Машҳур саркарда, фотиҳ, катта империя асосчиси. 2. “Хужайра” атамасини фанга киритган олим. 3. Россия Федерациясининг президенти. 4. “. . . тик боқма, имонинг сақла, Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла.” (қўшиқдан). 5. Машҳур немис композитори. 6. Телеграф кашфиётчиси, рус олими. 10. Англия қиролларидан бири. 11. Француз файласуфи, “Ақлни унга соя солиб турган янглишишлардан тозалаш керак” деган ғояни илгари сурган. 15. 1969 йили Ой сиртига қўнган биринчи инсон, америкалик фазогир. 16. “Дон Кихот” романи муаллифи, машҳур испан адаби. 19. Туркия терма жамоаси футболчиси. 20. Башар, одам. 25. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири - . . . Воҳидов. 26. Рус халқининг машҳур миллий қаҳрамони. 29. 1933 йили Нобел мукофотида сазовор бўлган машҳур рус адаби. 30. Чаққон. 31. Бобурнинг ўғли. 32. Озарбайжон Республикасининг президенти. 36. Машҳур немис микробиологи (1843-1910). 37. Менделеев даврий системасидаги элементга номдош машҳур даниялик физик (1885-1962).

Раҳимхон (1864-1940). 8. Машҳур француз сайёҳи, “Каллипсо” кемаси капитани. 9. “Қўрғон”, “Эврилиш” романлари муаллифи. 12. АҚШ президенти. 13. Америкалик ёзувчи, “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!” асарлари муаллифи. 14. Машҳур араб файласуфи, “Икки ҳақиқат” асари муаллифи - . . . Рушд. 17. Ака-ука немис эртақчилари. 18. Машҳур поляк шоири ва драматурги. 21. “Йўқотилган вақтни қидириб” асари муаллифи. 22. Хужайра назариясини яратган олим. 23. Машҳур француз эртақчиси. 24. . . . Павлович Чехов. 27. Машҳур рассом, “Кристинанинг дунёси” асари муаллифи. 28. Шарқда Жолинус номи билан машҳур бўлган Рим табиби. 33. Машҳур инглиз сайёҳи, шамол тезлигини биринчи бўлиб ўлчаган олим. 34. Биологик назария, илмий тиббиёт асосчиси, қадимги юнон файласуфи. 35. Йигирманчи асрнинг энг кучли боксчиси номини олган америкалик спортчи. 38. Бутун бошли душманни бир ўзи энган афсонавий қаҳрамон. 39. Франциянинг собиқ президентларидан бири. 40. Француз рассоми, “Қаерданмиз? Киммиз? Қаёққа кетаяпмиз?” асари муаллифи.

**ЭНИГА:** 7. Хива хони, Муҳаммад

Тўй ўтгач, кечагина ошиқ-маъшук бўлган қиз ва йигит эр ва хотинга айланади. Энди қизга жувон деб, йигитга эркак деб қаралади. Келинчакнинг кунлари узайиб кетади, куёв боланинг эса... Ойлар ўтиши билан оила майдони нақ жанг майдонига ўхшаб қолади.

Айтишларича, узоқ муддат бирга бўлганлари боис, эр-хотин бир-бирига ўхшаб ҳам кетишаркан. Қизиқ, жисмоний ўхшашлик ортиб боради-ю, аммо нега йил ўтган сайин, улар бир-бирларидан узоқлашиб бораркинлар-а?

“Бир одамни ҳадеб кўраберсанг, кўнглингга тегади-да” деди бир дугонам. Балки, у ҳақдир. Аммо...эркакларни кузатсанг, ҳайрон қоласиз.

Мана, эргинам мени кўргиси келиб қолибди.

— Аяси, буёққа қара!

Қилаётган ишимни ташлабоқ, бегим ёнига югураман.

— Анови омбурни олиб бер! — Нарвон тепасидан туриб буюради эр.

Шу омбурни олсам-у, бир туширсам... “хой-хой, Шайтонга ҳай бер!” дейди ичимдаги файласуф. Шаштимдан қайтаман-у, бегимга омбурни узатаман.

— Ишимдан қўймай, шуни ўзингиз олсангиз бўлмасмиди? — “Узиб” оламан тилимдаги омбур билан бегимни.

— Тушиб-чиқиб юрамани? Ишинг қочиб кетармиди, кейин қилаверасан, — Энса қотиради эргинам.

— Сизни ишингиз иш, бизники-чи?.. Гапимни “илиб” кетади нарвон устидаги кишим:

— Куни билан уйдасан, улгурасан шу ишингга!

Ичимдаги файласуф мени овутади: “Ёлғиз қолгиси келмаганидан сени ёнига чақирди, омбур баҳона...” Эриб кетаман эргинамга қараб. Ичимдаги файласуфга тасанно.

Яна ўз ишларимга уннаб кетаман.

— Куни билан уйда нима қиласан, хотин? Одамни ҳеч туйдирадиган қилиб овқат қиласанми ўзи?

Дастурхонга қарайман: нон, иссиқ овқат, эрим хурсанд бўлсин, деб ўз кўлим билан пиширган ширинлик, чой.

“Шу чойга захар солиб юборсам бўларкан”, деган фикр кечади кўнглимдан, тилимга чиқарай дейман-у, афандининг хотинига ўхшагим келмайди-да. “Шунча қилган меҳнатимни кўрмасангиз, кўр бўласиз”, дейман-да, қовоғимни солиб, ҳовлига чиқиб кетаман.

Зум ўтмай эрим ёнимда пайдо бўлади.

— Хотин, қошиқ опке!

Шундай дея эргинам ошхонанинг ёнигинасидан ўтиб, уйга кириб кетади.

Қўлимда супурги, шуппайиб бир

эшикка, бир ошхонага қарайман. “Воҳ, шўрпешона, бориб-бориб шундай эрга учрайсанми?” дейди ичимдаги Шайтон.

Қошиқни олиб эрим ортидан уйга кираман. Хонтахтага “тақ” этиб қошиқни қўяман-у, алам билан:

— Барака топкур, овқатизни олиб келган бўлсам, ҳовлида иш қилиб юрган

бўлсам, ш у қошиқни олиб кел, деб айтиш учун ошхона ўлгурни

олдидан икки марта ўтдингиз, ўзингиз олсангиз бир нарса бўлиб қоласизми?

Бегим бўлса, гапимни эшитмагандек, овқатни иштаҳа билан паққос тушира бошлайди. Сўнг менга қараб илжайди:

— Сен овқат емайсанми?

— Емайман, захар қилдиз!..

— Э-э, хотин, аччиқ қалампирни олиб келмасанг ҳам бўлади унда.

Ичимдаги файласуф: “Соғинган, бир овқат ейишга зериккан, қошиқ баҳона...” дейди. Эриб кетиб, бегимга қараб қўяман. Биргалашиб, аччиқ-аччиқ қалампир “қўшиб” овқатланамиз.

Кеч тушади. Узу-кун ғимир-ғимир юравериб, чарчаганман. Кўзларим юмила-юмила тўшака чўзиламан. Кўзим илинаёзганда, эргинамининг овози эшиталади:

— Хотин, кирларингни ювиб қўймабсан-ку?!

— Ўлсин, ўша кир, — шивирлайман. Кўзларимни очгим келмайди.

— Тур, ювиб қўя қолсангчи, ўзи озгина экан. Пайпоғим қолмабди. Кейин бирга чой ичамиз. Турсангчи!

Оҳ, пешонам, пешонагинам!..

— Дадаси, сиз дўкандан туз, бозордан қалампир олиб юрманг, — дейман кесатиб. “Озгина” кирни ювиб жойлағунимча бир соат ўтади.

— Ана энди, чой дамла, бир мазза қилиб чой ичамиз, — дейди бегим.

— Ҳозирда, яна кўнгиллари нима иштайди?

Ичимдаги шайтонга бу гал ҳай бермайман. — Чойнак билан...

— Э-э, аяси, қўллариздан бир чой ичишни орзу қилибмиз. — жилмаяди эргинам.

“Чой баҳона...” дейди, ичимдаги файласуф.

Тонг. Ошхона. Нонушта ҳозирлайман. Бегимнинг овози мени ўзи томон чорлайди.

— Хотин, пайпоғимни топиб бер!

“Пайпоқ баҳона...дийдор ғанимат”, дейман ичимда.

— Ҳозир, ўзим топиб бераман, оёғизга кийдириб ҳам қўяман, — дея бегим томон табассум билан одимлайман.

Мадина ЗАРИФ

## ТОШКЕНТДА ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ



Мустақиллик майдони бўйидаги анҳорда болалар чўмилмоқда. Тошкент. Ҳусниддин Ато сурати

### KHAVINSON & ASSOCIATES, P.C.

Американские адвокаты

**ЕВГЕНИЙ ХАВИНСОН, ESQ.**  
(admitted in NY, PA)  
Автоаварии, серьезные травмы — максимальная компенсация

**ТАТЬЯНА АРИСТОВА, ESQ.**  
(admitted in PA, NJ)  
Иммиграционный адвокат

Member of American Immigration Lawyers Association (AILA)

Сопровождение на интервью и в суд в Пенсильвании, Нью-Джерси и Нью-Йорке

## ИММИГРАЦИОННОЕ ПРАВО

- Политическое убежище
- Защита от депортации в иммиграционном суде
- Апелляции и ведение иммиграционных дел в федеральном суде
- Восстановление проигранных дел
- Петиции о прощении и отмене депортации
- Защита женщин и детей от депортации
- Освобождение из задержания

ЛЮБЫЕ ИММИГРАЦИОННЫЕ ВОПРОСЫ в разумные сроки, по разумным ценам

<p><b>ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ ТАЛАНТ...</b> O-1 – Визы для лиц с выдающимися достижениями P-1/3 – Визы для артистов, художников, спортсменов Грин-карты на основе Extraordinary Ability</p> <p><b>ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ РАБОТА...</b> H-1B – Рабочие визы Грин-карты через трудовой гарант (Labor Certification)</p> <p><b>ЕСЛИ У ВАС ЛЮБОВЬ...</b> K-1/3 – Визы и грин-карты для супругов, женихов и невест граждан США</p> <p><b>ЕСЛИ ВЫ СЕБЕ МОЖЕТЕ ЭТО ПОЗВОЛИТЬ...</b> L-1 – Визы и грин-карты для бизнесменов Грин-карты для инвесторов – быстро, но дорого</p> <p><b>ЕСЛИ ВАМ ПРОСТО ПОВЕЗЛО...</b> Грин-карты на основе DV-Lottery</p>	<p><b>Philadelphia Office</b> 221 West Street Rd. Trevose, PA 19053 215.355.9095 215.350.7972 (nights, weekends)</p> <p><b>New York Office</b> 1122 Coney Island Ave. Suite 220 Brooklyn, 11230 718.421.3815</p> <p style="text-align: center; font-size: x-small;">Пишите нам: <a href="mailto:tatiana@immigrationwise.com">tatiana@immigrationwise.com</a></p> <p style="text-align: center; font-size: x-small;">Последние новости иммиграционной реформы можно прочесть на нашем сайте: <a href="http://www.immigrationwise.com">www.immigrationwise.com</a></p>
--	--

Безвыходных положений не бывает... Мы найдем решение.

Unlimited Business Technologies, Inc.

Sales, Leasing, Service and Supplies

for commercial business equipment

Copiers • Laser Printers • Fax • Commercial Scanners

Excellent prices, Direct lending, Good response time

unlimitedbt@yahoo.com

347-673-5661

Print Only With Us, Corp.

Copies • Color and B/W  
Wide Format • Banner printing  
BLUEPRINTS Print Copy Scan  
Post cards • Promotion Cards • Magazines  
Envelopes • Letterheads • Brochures  
Business Cards • Flyers • Menus  
and much more!

PrintOnlyWithUs@Gmail.com

2456 East 17th Street, Brooklyn, NY 718-615-7900